Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **23** март, жума № **12** (2191).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **23** марта, **2007** год, № **12** (2191).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунини қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутадиган Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда.

Мана шу уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи – Наврўз айёми билан сиз, азизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий меҳрим, ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, қизғин олқишлар билан уларга ўз ҳурматимизни билдирамиз.

Биз билан ҳамнафас бўлиб яшаётган узоқ-яқин қўшни мамлакатларнинг халқларига, хорижий ҳамкор ва дўстларимизга элюртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йўллаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, энг қадимий, илдизлари олис "Авесто" замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ён-атрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади.

Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шижоат кириши табиийдир.

Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунини қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу қутлуғ яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаётган одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳисси пайдо бўлади.

Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади.

Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иқлим охирги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Халқимизда "Яхши одам – кўзидан, яхши йил – Наврўзидан маълум" деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кексаю ёш – барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаётгани бунинг яқкол дараги ва тасдиғи бўлғай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз – Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Ҳар бир тошу гиёҳнинг посбони ўзим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан:

ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш;

кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулкини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиш устидан қатъий назорат амалга оширилишини таъминласин.

2. 2007 йилнинг 1 сентябридан:

давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини 6 ойгача узайтирган ҳолда, 1,5 бараварга;

"Мурувват" болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, айни вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда, ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан;

(Давоми 2-бетда).

УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Она замин узра баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик кузатилмоқда: кечагина оппоқ қордан қадди-басти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтлар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди.

Қуёш тандирига ўт қалайди. Унинг қайноқ тафтини соғинган майсалар нафис гиламдек кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзади. Ер кўкда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари намоён бўлмоқда. Қамалнинг оламни тутган майин, эркаловчи ифорларидан қалблар энтикади, шўхчан учаётган қалдирғочлар саси юракларда ажиб ҳислар уйғотади. Мудроқ туйғулар жўшқинликка жой бўшатади. Тоғу тошдан шарқираб оқиб келаётган оби ҳаёт сой ва ариқларни тўлдиради – аёзда тин олган чархпалаклар яна айланишга тушади...

Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи – Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради. Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафоат, янгиланиш ва яшариш айёми қалбларга сурур, олам-олам қувонч ва янгидан-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Фасллар келинчаги – баҳорнинг ана шундай фусункор дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз, жаннатмонанд юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун Яратганга шукроналар қиламиз.

20 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ЮКСАК ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони раҳбарлигида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кўлами ва моҳияти жиҳатидан том маънода улкан ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Қувонарлиси шундаки, минтақамизда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган, юзага келаётган таҳдид ва хатарларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда миллий хавфсизлик концепцияси асосида армиямизни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган дастур яратдик. Бундан пировард мақсад– ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қуроляроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишни кўзладик.

(Давоми 8-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

БОЙ МАНБАГА ЭГА СОҲА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир» деган маърузасида енгил саноат ҳақида гапирар экан, шундай таъкидлайди: **«Енгил саноат тармоқлари, шу жумладан, тўқимачилик саноати, хомашёни қайта ишлаш тармоқлари мамлакатимизда қандай бой манбаларга ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қандай салоҳиятга эга эканлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам бу соҳанинг ўсиши ва самарасини оширишга жиддий эътибор берилади».**

Шу ўринда, муштарийларимизга, уларнинг аксарияти Ватанимиз ҳимоячилари бўлганлиги боис, Енгил саноат хусусида маълумот бериб ўтсак. Енгил саноат – хилма хил хомашёдан кенг истеъмол маҳсулотлари ва буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқлари мажмуи. Енгил саноатда хомашёга дастлабки ишлов бериш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



КЎПКАРИДА БИЛИНАР МАРДНИНГ САРАСИ

Чироқчининг таърифи тилларда достон. Бунда Алпомиш авлодлари яшайди, Темурбекдек улуғ саркарда, Шайбонийхондек олиймақом султонлар бу ердан от суриб ўтган. Аждодлари азалдан полвонлик қилиб донг таратган ярим аср бурун ўтган зўрлари Усан бобо Ҳайдаров, Қўзивой бобо Норқулов, Қўчқор полвон Бобочаев, Абдишукур ва Абши полвон Санаевлар, Хуррам полвон Йўлдошевлар, шунингдек, Аловхон човғон (чавандоз), Илёс полвон, Мавлон чавандоз, Эгамберди полвон, Эшонқул полвон, Мулла Вали, Жумавой полвон, Норқул Қува деган алп чавандозлари бир-бириси билан узанги йўлдош бўлиб, нафақат чироқчиликлар, қашқадарёликлар, шунингдек, республика ва қўшни мамлакатларда ҳам улоқ-кўпкари баҳсларида ор талашиб машҳур бўлишган. Шундай полвонлари бор юрт – Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Ҳозирда ҳам Юсуф полвон, Овлоёр чавагон, Абдукарим, Охун, Бекжон полвонлар, Алишер полвон, Жамолхон полвон, Музаффар полвон, Фахриддин полвон, Асад полвон, Ҳамдам ва Маматқул полвонлар боболарининг анъаналарини муносиб давом эттиришмоқда.

«Пахтакор» жамоа хўжалиги Кўктош қишлоғи адири... Бойчечаклари «ханда отган» маъсум ва сўлим гўша. Карнай-сурнай авж палласини олади. Чироқчида Наврўздан дарак. Етти иқлим чавандози бунда шай бўлди.

(Давоми 8-бетда).



3 С ПОЛЕЙ ТАКТИЧЕСКИХ УЧЕНИЙ

УСПЕХ БОЕВОГО МАСТЕРСТВА



4 КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

ОФИЦЕР БЎЛИШГА ҚИЗИҚАСИЗМИ?



10 YOSHLAR – KELAJAGIMIZ EGALARI

NAVRO'ZIMNING GULU G'UNCHASI



11 КИКБОКСИНГ. ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА

СОСТЯЗАЛИСЬ И ДЕВУШКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

(Давоми. Боши 1-бетда).

болалар, қариялар ва ногиронларнинг "Мурувват" ва "Саховат" интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилсин.

3. 2007 йилнинг 1 июлидан:

уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорида қўшимча;

жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорида ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тадбиркорлик тузилмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўшимча моддий ёрдам кўрсатсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида қайд этилган мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар даромад солиғидан тўлиқ озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги 573-Қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида 28 та "Меҳрибонлик" уйи, шунингдек, 86 та санаторий типидаги ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг болалар, қариялар ва ногиронларнинг "Мурувват" ҳамда "Саховат" интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, уларнинг таъминотини янада яхшилаш бўйича жорий йилда ушбу мақсадларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги Қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА

Ш А Р Ҳ

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутади. Юқоридаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун асосан давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Жумладан, Фармонда давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағларини 1,5 бараваргача ошириш кўзда тутилган. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Айни вақтда моддий ёрдам тўлаш муддати икки баравар – 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди.

2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фоизга яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун харажатлар умумий бюджетининг 2 фоиздан 5 фоизгачасини ташкил этадиган МДҲнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб оилаларнинг 28 фоизини ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Фармонда эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари риоя этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди. Бу, аввалambor, ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш, моддий ёрдамни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Пенсионерлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилган. Фармонда тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдорини 15 фоиздан 25 фоизгача ошириш, "Мурувват" болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва санитарлар иш ҳақини ўртача 10 фоизга кўпайтириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, ногирон болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш мақсадида «Мурувват» интернат-уйлари тарбиячилари учун иш меъёри 3 баравар, яъни ҳар бир тарбиячи учун 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирилди, бу эса халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради.

Бундан ташқари, 2007 йилдан бошлаб ногиронларга уйда хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар ва педагогларга жамоат транспортида йўл ҳақи харажатлари учун ҳар ойда 12420 сўмдан 18630 сўмгача компенсация тўлаш жорий қилинади. Бу мақсадлар учун 2007 йилда бюджетдан қўшимча 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Ёлғиз фуқаролар, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Фармонда қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу эҳтиёжлар учун, аввал кўзда тутилган маблағларга қўшимча равишда 9,5 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 5,2 миллиард сўмдан ортиқ, бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан эса 4,3 миллиард сўм ажратилган.

Бундан ташқари, «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларга махсус транспорт сотиб олиш учун аввал кўзда тутилган молиялаш ҳажмларига қўшимча равишда бюджетдан 8,2 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришни таъминлайди, қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларига муҳтож кам таъминланган оилалар ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади.

ВЕСЕННИЙ ПОДАРОК ВОЕННОМУ ГОРОДКУ

С раннего утра раздавались бодрящие мелодии Отдельного образцово-показательного оркестра Министерства обороны, как бы оповещая о наступлении Навруза. Взрослые и дети с радостными улыбками спешили навстречу звучащей бравурной музыке. С концертной программой выступил здесь и Центральный ансамбль песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Поводом для этого было не просто празднование всенародного праздника Навруз, а еще и сдача в эксплуатацию в военном городке торгово-бытового центра. На его открытие прибыл министр обороны Республики Узбекистан Р.Мирзаев.



– Не случайно именно в день Навруза в военном городке был открыт торгово-бытовой центр (ТБЦ) военной торговли, – говорит главный инженер-технолог Насыр Якубов. – Ведь в основе Навруза заложено обновление. А ТБЦ и является новшеством для военного городка. Это – многоплановый центр. Он включает в себя минимаркет, кафетерий, интернет-клуб, дискобар, прачечную, ателье по ремонту и пошиву верхней одежды. В скором времени планируется открытие аптеки.

Здесь будут обслуживаться военнослужащие и члены их семей, проживающие в военном городке. И нужно сказать, что цены весьма доступные, а на некоторые товары обязательного ассортиментного перечня ниже рыночных. О широком ассортименте товаров говорит тот факт, что только колбасных изделий около 40 наименований. Для реализации сельскохозяйственных продуктов военных совхозов уже сделан соответствующий навес.

В этот день для гостей военного городка были накрыты праздничные столы, подан вкусный ароматный плов. Взрослые и дети стали очевидцами высокой культуры обслуживания, которую предложили своим первым посетителям Рустам Алимжонов, Михаил Азатьян, Юлия Мерклингер, Елена Прибыткова. Кстати, дети в интернет-клубе уже в первый же день под руководством представителя Центра духовности и просветительства Министерства обороны администратора Дилафруз Дадабаевой учились азам компьютерной грамотности.

Майор
Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 16.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Пурвиқор майдоннинг чор тарафида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинларда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай ажиб манзаралар кўнгилларни тоғдай юксалтиради, томошабинларга хуш кайфият бағишлайди.

Майдон узра майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга қушлар чуғури, жилға-сойларнинг жилдираши – баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Ана шундай сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Анвойи гуллар кўзларни қувнатади. Булбуллар хониши руҳларга куч-қудрат ато этади гўё.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 февралда қабул қилинган "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори боқий байрамимизни муносиб кутиб олиш ва нишонлашга пухта замин яратди. Қарорга асосан юртимизда март ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этилди. Унда маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёраттоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тадбирларини бажаришга, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади...

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак беради. Ям-яшил қирадирлар, гулларга бурканган водийлар, лолақизғалдоқдан алвонлашган чўл-биёбонлар кўз олдимизда гавдаланади. Бойчечагу бинафша бўйлари димоқни қитиқлайди, орзиқиб кутганимиз – баҳор ҳавосини сипқориб тўймаймиз...

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Зеро, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар янада ривож топмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди.

Аждодларимиз азалдан байрамда етим-есир, бева-бечора, хаста ва муҳтож, қисқа қилиб айтганда, ижтимоий ҳимояга – бир оғиз ширин сўз ва амалий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи, деб билган. Бундай файзиёб кунларда жамики гина-кудуратлар орадан кўтарилиб, ўзаро самимият, оқибат, ҳамият ва меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам боғланган...

Бугун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга ижончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. «Ўзбек модели» деган ном билан дунёда тан олинган мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг негизида беш тамойилдан бири – айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи туриши ҳам ана шундан.

2007 йилнинг давлат бюджетида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори ошди. Бюджетнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари ўтган йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 54,1 фоизга етди. Бу борадаги амалий ишлар жамиятимизда ўзаро қадр-ҳиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида машҳур. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида бу воқеага «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» деб таъриф берди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорида ушбу меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, у ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди.

Халқимиз доим Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик ва илҳақлик билан қарши олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қир-адирларга чиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонандалар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ичакузди латифаю пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбозлар баҳси, улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Юртимизда буюк боболаримиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган юртга хурсандчилик, тўй-томоша ярашади. Жорий йилда юртимизда ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади. Самарқанд шаҳри дунё мусиқа ихлосмандларини "Шарқ тароналари"га чорлайди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, мақом ансамбллари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари, майдон саҳнида уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Диёримизда ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг бадиий ижролари қалбларни фахрга тўлдиради. Буларда Наврўзнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол, баралла намоён бўлади.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланди. Юртимизда шу кунларда янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам...

Саҳна томошалари қизигандан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Баҳорий юмушлар ана шу кундан бошланган, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Асрий анъаналаримизга кўра айни кунларда деҳқонларимиз дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамоқдалар.

Ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик ва ҳалол меҳнат улуғланган юртда барака бўлади. Буни ўтган йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминлангани - ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида хорижий инвестициялар ҳажми 25,4 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган йили 666 ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ янги фермер хўжалиги иш бошлади. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шаклари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 агрофирма юзага келди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва янги иш жойлар очиш борасида изчил ўсиш кўзга ташланмоқда. Ўтган йили бевосита меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ортган бўлса, аҳолининг реал даромадлари ўртача 22 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш, хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Бундай ҳаётбахш саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар жамужамдир...

Саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари байрам аҳлини завқлантириб юборади.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиғи доимий эътиборда. Таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга ошириш борасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Ҳаётимиз гуллари бўлган хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Юртимиздаги ҳаётбахш ўзгариш ва янгиланишларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалби, онгу шуурида акс этаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи тўла тасдиқлайди.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг анъаналарини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спорт намояндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз, мамлакатимиз сарҳаллари посбонлари - ҳарбийларимиз ҳозир бўлади.

Ўзбекистон – полвонлар юрти. Истиқлол туфайли ўзбекнинг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун дунёнинг барча қитъаларида ўзбекона яктак кийиб, ўзбекча «таъзим», «Ҳалол», "чала", «ёнбош» каби ибораларга риоя этиб кураш тушаётганлар бисёр. Спортчи йигит-қизларимизнинг донғи қитъалараро ёйилмоқда, уларнинг ғалабаси шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли минг-минглаб спортчилар етишиб чиқмоқда. Муҳими, руҳи тетик, илиги тўқ, билаги бақувват авлод вояга етмоқда. Мардонавор ғалабалари билан юртимиз шуҳратини овоза қилган спортчиларимиз, шеркелбат ҳарбийларимиз – Она-юрт ҳимоячилари билан фахрланамиз.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга мушакбозлик уланиб кетади...

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб жой олган турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари расталарида ҳаёт қайнайди. Қўли ширин пазандалар дошқозонлардан ҳовури таралиб турган сумалак, ҳалим, палов сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Президент Ислом Каримов ярмаркага қўйилган ҳунармандлик маҳсулотлари билан танишди...

Юртимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида – барча гўшаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Озод ва обод юртимизга хуш келдинг, уйғониш, яшариш, янгиланиш ва меҳр-оқибат айёми! Қадимий байрамимиз - Наврўзи олам муборак бўлсин, Ўзбекистоним!

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.


МУНОСИБ ХИЗМАТИМИЗ – СЕНГА, ОНА ВАТАН!

Кўкрак нишонлари

«МАҲОРАТ»

«Маҳорат» кўкрак нишони ўзаро мурват билан бириктирилувчи учта қисмдан иборат. Биринчи қисм (асос) горизонт бўйлаб ёзилган қанотлар кўринишидаги чўзиқ бурчакли саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлиб, баландлиги 31,5 мм ва эни 68 мм бўлган олтинранг қовурғасимон ўймага эга. Нишоннинг ўртасида қисмларни маҳкамлаш учун хизмат қилувчи диаметри 4 мм бўлган тешикча бор. Иккинчи қисм (оралиқ) кумуш рангли, бир-бири билан кесишган қиличлари бўлган кенг ёзилган қанотлар кўринишида, қиличларнинг тиғ қисмида дафна япроғидан қилинган ғалаба тожини англатувчи чамбар жойлаштирилган. Учинчи қисм (қоплама) олтин рангли, диаметри 16 мм бўлган доира шаклидаги қалқон акс эттирилган, доиранинг ичи ҳаворанг ва оқ эмал билан бўялган, ҳаворанг эмалли қисмда 12 та юлдузчалар жойлашган, доира марказидаги оқ эмал устида ҳаворангда маҳорат рақами ёзилган.

«Маҳорат» кўкрак нишони малака тоифасини олиш бўйича белгиланган синовларни муваффақиятли топширган шартнома бўйича хизмат қилаётган офицер, сержант ва оддий аскарлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларга Мудофаа вазирининг 2006 йил 27 сентябридаги буйруғига мувофиқ берилади.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ҚАЛБ АМРИГА БЎЙСУНИБ



Шартнома бўйича хизмат сержанти Улуғбек Эштаев сержантлар тайёрлаш мактабининг тажрибали кичик командирларидан ҳисобланади. Дунёқараши кенг бўлган бу посбон сиз билан бемалол баҳслашиб, эътиборингизни ўзига тортади. Миллий армиямизда ўз ўрнига эга бўлган бу профессионал 2000 йилдан буён мазкур мактабнинг жанговар машиналар гуруҳида йўриқчи-ҳайдовчи вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Айни дамда қишки ўқув мавсуми қизғин кечаётган бир паллада жамоа илғорлигини таъминлашда ҳар бир посбоннинг ўз ўрни бор. Машғулотларда пешқадамликни қўлдан бой бермай келаётган йигит қўлостидагилар билан мавсум ғолиби деган номга сазавор бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, ҳозирга қадар уларнинг дала ўқув машғулотларидаги эришган натижалари чакки эмас. Улуғбекнинг шогирдлари ҳайдовчилик бўйича унинг ўргатган барча сабоқларини мукаммал ўзлаштириб, дала шароитида олиб борилган амалий машғулотларда муваффақиятли синовдан ўтиб, устозининг юзини ёруғ қилишди. Ҳа, тажрибали кичик командирнинг шогирдларига ўргатган билимлари зое кетмаганди. Улар энг қийин вазиятларда ҳам тўғри ҳаракат қилиб, ўзларининг олдиларидаги вазифани аъло даражада уддалашди.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Улуғбек Эштаев доимо касбига сидқидилдан ёндашади. Ўз устида тинимсиз изланиб, маҳоратини шакллантириб бораётган шунқорнинг касбий малакаси йилдан-йилга ортиб бораяпти, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки доимо ўқув машғулотларида етакчилик қилиб келаётган кичик командирнинг жанговар машинаси шу пайтга қадар бирон марта панд бермаган. Қудратли техникани ўз измига бўйсундира оладиган посбон машғулотлар олдидан уни ҳар томонлама назорат қилгач, техник ёрдамга муҳтож эмаслигига ишонч ҳосил қилган ҳолда жанговар шай ҳолатга келтириб қўяди.

Ҳа, бугун профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямизда посбонларга қўйилаётган талаблар ҳам тубдан ўзгарди. Боз устига сержантлар тайёрлаш мактабларидаги йўриқчи-ўқитувчилар таркиби профессионаллашди. Чунки айни пайтда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ўғлонлар нафақат жисмонан, балки маънан баркамол бўлишларини ҳам замон тақозо этмоқда. Шу туфайли сержантликка номзодларни танлаш муайян тизим асосида амалга оширилмоқда. Юқорида сержантлар тайёрлаш мактаби йўриқчи-ўқитувчилари таркиби профессионаллашди, дея бежиз таъкидламадик. Чунки бўлғуси сержантларга сабоқ берувчи устоз замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, муайян тажрибалар орттирган бўлмоғи лозим. Бундай жиҳатлар эса сержант Улуғбек Эштаевда мужассам.

Улуғбек Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.

– Ёшлигимдан ҳарбийликка қизиқаман, – дейди биз билан суҳбатда кичик командир Улуғбек Эштаев. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, йигит учун шарафли бўлган бу касбга қизиқишим янада ортди. Сўнгра ҳарбийликни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилдим. Эгнимга ҳарбий либос кийганимдан сўнг маҳоратимни янада ошириш мақсадида сержантлар тайёрлаш мактабида кичик командирлик мутахассислиги бўйича ўқидим. Чунки бу менинг дилимдаги орзуим эди. Ҳарбийликни – фидойи, асл мардлар касби, деб биламан. Она заминимизни фақатгина шу тупроқда ўсиб, улғайган ҳақиқий ватанпарвар ўғлонларгина муносиб ҳимоя қила оладилар. Мен бўлажак юрт посбонларига машғулотлар пайтида буни янада теранроқ тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Албатта, посбоннинг намунали хизматида оиланинг ўрни ҳам беқиёсдир. Уй бекаси, яъни унинг рафиқаси Анорахон шарқ аёлларига хос назокатли фазилатлари билан соғлом оила муҳитини яратишга интиладиганлар сирасига киради. Шу туфайли бўлса керак, Улуғбек хизматдан бўш вақтларини оила даврасида ўтказишни хуш кўради. Оила қувончи бўлмиш Отабек ва кичкинтой Маликахонлар отаси уйига кириб келиши билан унинг бағрига отилиб, эркаланишларила оила бошлиғидаги ҳар қандай чарчоғу ҳорғинликларни бартараф этади.

Қалби шижоатга тўла бу посбон пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида тавалуд топган. Отаси – Жуман аканинг касби ўқитувчи бўлиб, элу юртга хизмати сингган заҳматкаш инсондир. У киши ҳозирда нафақада. Тиниқ ая бир неча йиллар заводда ошпазлик қилиб, нафақага чиққан меҳридарё онахон. Ҳаётда бахт нима эканлигини оиладан топган бу икки инсон фарзандларининг барчаси зиёли ва хушхулқ. Ҳатто, Улуғбекдан сўнг акаси Уйғун ҳам ҳарбийлик либосини кийиб, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Бугун Улуғбекка ўхшаб, Қуролли Кучларимиз сафида –Ватан хизматида бўлишга аҳд қилган алп азаматлар бисёр. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, фидойиларча хизматида асл ўғлонларга хос жасорат, қатъият акс этиб туради. Чунки, улар бу касбни мажбуриятдан эмас, балки қалб даъватига қулоқ тутиб танлашган. Инсон доимо ҳаётда қалб амри-ла қилган ишлари билангина юқори чўққиларни забт этиши мумкин.

Комилжон ҲАСАНОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

С полей тактических учений

УСПЕХ БОЕВОГО МАСТЕРСТВА

В праздничном поздравлении защитникам Родины Президент Республики Узбекистан, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И. Каримов особо подчеркнул необходимость продолжения и углубления начатой системной работы по анализу современных вызовов и угроз безопасности, выявления тенденций и возможных последствий их развития в средне- и долгосрочной перспективе, критически подходить к оценке готовности наших Вооруженных Сил адекватно и эффективно противодействовать любым посягательствам на безопасность и стабильность страны.

Безусловно, данное обращение главы государства было воспринято каждым военнослужащим как руководство к решительным действиям на вверенных участках службы.

Показательное батальонное тактическое учение (БТУ) с боевой стрельбой продемонстрировало высокий уровень боевой выучки офицеров и сержантов, солдат срочной службы. Военнослужащие хорошо ориентировались в быстроменяющейся обстановке учебного боя. Мотострелковый батальон успешно выполнил поставленную задачу. Личный состав действовал методически грамотно. «Бандформирование террористов» было выявлено, блокировано, а затем и уничтожено.

Предварительно в части была проведена большая подготовительная работа для того, чтобы все учебные точки были оборудованы согласно требованиям руководящих документов. Офицеры аппарата управления военного округа придирчиво и внимательно проверяли учебные места, каждый по своему направлению, оказывая необходимую методическую помощь офицерам подразделения.

Вся нормативная база по правилам проведения батальонного тактического учения была отработана заблаговременно. На высоком методическом уровне была организована наглядная демонстрация. В помещении оперативного дежурного по части, куда поступил сигнал учебно-боевой тревоги, действия дежурной смены были слаженными и четкими.

Прибывшие на показательные учения командиры частей округа также увидели порядок действий личного состава в спальном помещении мотострелкового батальона после подъема по тревоге и убытия согласно боевому расчету. В ходе полевого выхода офицеры и сержанты части представляли участникам учения свои учебные точки. Здесь отличились офицеры Мирзоакбар Мадумаров, Алишер Наримов, Ойбек Ашуров, Акмаль Ошиков, Мамараджаб Бегалиев, Акром Холмирзаев, Шоят Саримсаков, Шукур Хушваков, а также сержант Фазлиддин Шовкиев.

Получив оружие и боеприпасы, мотострелковый батальон майора Шухрата Нематиллаева выдвинулся в заданный район. Согласно сценарию учений, требовалось прибыть туда с опережением условного противника, имеющего, по данным разведки, превосходство в живой силе и вооружении. Значительным преимуществом батальона было то, что замысел противника был уже известен.

Поступил боевой приказ – остановить условного противника, проникшего со стороны Государственной границы. Цель – не допустить его продвижения до подхода основных сил. Первыми о четком выполнении поставленной задачи доложили разведчики.

Теперь предстояло продемонстрировать свое мастерство воинам-мотострелкам. Стоило лишь появиться первым мишеням, обозначающим группу пехоты «противника», как прозвучали меткие очереди. С появлением легких бронированных целей к боевой работе подключились экипажи БТР. Выстрелы из крупнокалиберного пулемета привели к тому, что первая атака условного противника была успешно отбита.

Теперь задача по дальнейшему его уничтожению перешла к минометной батарее. Если окопы и естественные складки местности помогали наступавшим укрываться от прямого огня стрелкового оружия, то навесной огонь минометчиков стал для них неожиданным сюрпризом.

Для солдат срочной службы, минувшей осенью призванных в ряды Вооруженных Сил, эти учения стали первым серьезным испытанием на воинскую зрелость. И очень отрадно, что благодаря качественно проведенной работе по морально-психологической подготовке армейская молодежь уверенно действовала в учебном бою.

По итогам учения представителем вышестоящего командования было отмечено, что сам замысел и пути реализации заставили каждого военнослужащего по-новому осознать необходимость организованности, собранности, ответственности и компетенции. Поэтому в действиях участников учения не раз отмечались слаженность, мобильность и умение действовать в экстремальных условиях.

Батальон с поставленной задачей справился. Этот учебный бой завершился успехом ратного труда воинов, которые во всем зимнем периоде оттачивали свое профессиональное мастерство. Поставленная задача выполнена. Очередная вершина на пути к профессионализму вдохновила военных профессионалов. Они будут и впредь еще более напряженно трудиться над ростом своего ратного мастерства. Ведь их основная задача – защита нашего дорогого Отечества.

Капитан Хасан МИРЗАЕВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



«Энг илғор мутахассис»

МАШҚЛАРДА ТОБЛАНАР ЭР ЙИГИТ

Ислоҳотлар сабаб, бугун сержант тушунчаси тобора янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда. Сержантлик мақоми юксаляпти. Аскар ва офицер ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтовчи сержант бугун аскарларнинг устози, офицерларнинг биринчи ёрдамчиси дея эътироф этиляпти. Ҳарбийликни шараф деб, тақдир деб билган юртнинг асл фарзандлари ўз келажагини шу касб билан боғлашмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Сержантлар корпуси – армиямизнинг пойдеворини ташкил этади ва унинг қай даражада тайёрланганлиги ҳамда уюшқоқлиги армиямизнинг жанговар салоҳиятини оширади».

Кичик сержант Исматилло Маматалиев ҳам ҳарб илмини чуқур эгаллаган ўғлонлардан. Наманган вилоятининг Уйчи туманида туғилган бу йигит ёшлигидан ҳарбийликдек шарафли ва масъулиятли касбга ҳавас қўйган. Муддатли ҳарбий хизматни алоқачилар ҳарбий қисмида ўтаб, бу соҳадан ҳам билим ва тажрибага эга бўлган ўғлон бугунги кунда илғор сержант, етук профессионаллардан бири бўлиб шаклланмоқда.

Хабарингиз борки, ҳар йили Қуролли Кучларимизда «Энг илғор мутахассис» танлови ўтказилиб келинмоқда. Кичик сержант И.Маматалиевнинг танловнинг округ босқичида ғолиб бўлиши бежиз эмас, албатта. Эришилган ғалаба замирида улкан меҳнат ва матонат борлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, унинг ўз ҳарбий соҳасига, жисмоний ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратгани муваффақиятини таъминлаган асосий омиллардандир.

Округ миқёсида ўтказилган танловда кичик командир жисмоний тайёргарлик, отиш, тактик, топография, граната улоқтириш, ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига йўлланма олди. Бор билим ва маҳоратини намоён этган ўғлон бу босқичда иккинчи ўринни қўлга киритишга муяссар бўлди.

– Ёшлигимдан ҳарбийликка бўлган қизиқишим катта эди, – дейди кичик сержант И.Маматалиев. – Мана, ҳарбийлар сафига қўшилганимга ҳам етти йил бўлиб қолди. Шу давр мобайнида малакали офицерлардан ҳарб илми сир-асрорларини чуқур ва пухта ўзлаштирдим. Ўрганган сир-асрорларим зое кетмабди. Танловда муваффақиятли қатнашдим, деб бемалол айта оламан. Келгусида бундан-да юқори чўққиларни забт этиб, командирларим ишончини оқлайман, деган умиддаман ва бунга бор куч-ғайратимни аямасдан, астойдил ҳаракат қиламан.

Отаси Неъматулло ака ва онаси Зарифа опаларнинг дуоларини олиб, шарафли касб эгаси бўлган Исматилло бугун кўпгина ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Самарқандда ҳарбийлар ўртасида ўтказилган «Балли, йигитлар» танловида ҳам иштирок этиб, фахрли учинчи ўринга сазовор бўлган. Спортнинг қўл жанги тури билан мунтазам шуғулланиб, ўз жисмоний тайёргарлигини янада ошириб бормоқда. Ҳарбий кўпкураш бўйича Қуролли Кучларимизда бўлиб ўтган мусобақада қатнашиб, учинчи ўринни қўлга киритган.



– Кичик сержант И.Маматалиев ҳар томонлама етук, профессионал кичик командирлардандир, – дейди офицер Умиджон Тоиров. – У ўз ишининг ҳақиқий устаси, қўйилган вазифани доим вақтида, айтилганидай бажаради. Ташаббускорлик қобилиятига эга, шунинг учун бўлса керак, у ҳамиша олдинги сафда. Ўзининг намунали, ибратли хизматлари билан сафдошларига ҳам ўрнак бўлиб келмоқда.

Исматиллонинг укаси Орифжон ҳозирда чегара қўшинларида муддатли хизматни ўтамоқда ва акаси каби келажакда шарафли касб эгаси бўлишни кўнглига тукkан.

Ҳа, жанговар шайликни оширишда ҳарбий хизматчиларнинг юксак маҳорати, малакаси, тажрибаси ҳамда ҳарб илми бўйича эга бўлган кўникмалари муҳим аҳамиятга эга. Кичик сержант И.Маматалиев ушбу масъулиятни юракдан ҳис қилиб, ўз билимларини бойитиб, малакасини янада ошириб бормоқда. Унинг келажакда профессионалликнинг янги-янги чўққиларини забт этишига ишончимиз комил.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

«ЭНГ ИЛҒОР КАФЕДРА»

Сизга маълумки, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети Қуролли Кучларимизга алоқачи мутахассисларни етиштириб беради. Ўтган йили мазкур билим даргоҳида «Энг илғор кафедра» анъанавий танловини ўтказиш ҳақидаги Низом ишлаб чиқилди. 2006 йилнинг умумий кўрсаткичлар бўйича якуний натижаларига кўра, «Радиокоммуникация» кафедраси энг илғор, деб топилди ва кўчма кубокнинг илк совриндори бўлди.

1993 йилда тузилган ушбу кафедрада бугунги кунда радиокоммуникация ҳарбий техникаси, радиокоммуникация ҳарбий техникаси асослари, штаб бошқарув машиналари, ўрта қувватли радиостанциялар, алоқа воситаларида ишлаш, станция ишлаш хизмати сингари тўқизта ўқув фанлари, олтита мутахассислик бўйича дарслар олиб борилмоқда.

Айтиш жоизки, Даврон Арзиев, Маннон Эгамбердиев, Равшан Хўжанов, Собир Мавлонов, Ибодулла Саидвалиев каби устоз офицерлар – ўқитувчи ва катта ўқитувчилардан иборат педагоглар жамоасининг фидокорона фаолияти сабаб, кафедра бундай эътирофга лойиқ бўлди.

Махсус факультет курсантларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тузилган ҳамда уларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилаётган «Радиотелеграфчи» ва «Радиоҳаваскор» тўгараклари қатнашчилари ҳарбий алоқа сир-асрорларини янада пухта ўзлаштириб, турли асбоб-ускуналарда тажриба ва ихтиро ишларини ўтказмоқдалар. Дарвоқе, замонавий ўқув дастгоҳлари, сўнгги русумдаги компьютерлар, видео воситалар билан жиҳозланган шинам синф хоналарида таҳсил олувчи курсантларнинг тўлақонли билим олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Майор Иброҳим ХОЛМАТОВ.

Илмий-амалий анжуман

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАБ

Шу кунларда барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда саралаш босқичларини амалга ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Энг аввало чақирилувчиларнинг саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида «2006 йилда чақирилувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтиш натижалари ҳамда тиббий чақирув комиссиялари фаолиятини янада яхшилаш, 2007 йил куз ойида чақирилувчи ўсмирларни соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ҳам бу борада керакли чора-тадбирлар белгиланиб олинди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чақирув комиссияси бош шифокорлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Нодир Шарапов кириш сўзи билан очиб, ўтказилаётган ўқув-семинарнинг мақсади, вазифалари ва моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

– Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Чақириқ ёшидаги йигитлар ва ўсмирлар маркази бошлиғи Ибрагим Ўринбоев, – шифокорларимизни муддатли ҳарбий хизматга тайёрланаётган ўғлонлар соғлиғини сақлашда кўрсатилаётган хизматдаги янгиликлардан хабардор қилиш, улар ўртасида ўзаро фикр ва тажриба алмашишларига кўмак беришдан, шунингдек, келгуси режалар билан таништиришдан иборатдир.

Тадбир давомида Марказий ҳарбий тиббий комиссия раиси, тиббий хизмат полковниги Ҳусниддин Шодиҳўжаев, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг гастроэнтерология илмий маркази директори Мамлакат Рустамова, Тошкент тиббиёт академиясининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири Гули Шайхова ва бир қанча тажрибали мутахассисларнинг соҳага доир маърузалари тингланди.

– Ўтказилган икки кунлик семинар таассуротларга бой бўлиб, барча вилоятлардан келган етакчи мутахассислар ўзаро тажриба алмашдилар, – дейди Навоий вилояти ўсмирлар соғлиғини тиклаш маркази бошлиғи, чақирув комиссияси катта шифокори Саид Қиличев. – Вилоятимиз чақирув комиссиясида олий ва биринчи тоифали шифокорлар ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади. Шу боис, кейинги йилларда соғлигини қайта тиклаш учун келаётган ўсмирлар сони кескин камайди. Ишларнинг ўз вақтида олиб борилганлиги ва назорат кучайтирилганлиги туфайли чақирув комиссиялари иши анча яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг ҳамкорликда фаолият олиб боришлари, шунингдек, муассасаларнинг замон талаблари даражасида жиҳозланаётганлиги ҳамда тажрибали мутахассис кадрлар билан таъминланаётганлиги ишдаги унумдорликни янада оширмоқда.

Тадбирнинг иккинчи куни иштирокчилар Тошкент шаҳри ва вилояти, Юнусобод тумани чақирув комиссиялари ҳамда Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказининг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

– Мазкур семинарда чақирувга тайёрланаётган ўсмирлар соғлигини сақлашда кўрсатилаётган хизматдаги янгиликлардан бохабар бўлдик, – дейди Наманган вилояти ўсмирлар диспансерининг бош шифокори Нодира Қосимова. – Айниқса, уларга кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш ва сифатли тиббий кўрикдан ўтказиш масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашдик. Эндиликда бу ерда олган таассуротларимни вилоят миқёсида татбиқ этаман. Вилоятимиз 2006 йили ёшларни муддатли ҳарбий хизматга чақирув ишларини ўтказиш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Чунки, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтган барча чақирилувчилар соғлом бўлиб, бирортаси соғлиғини тиклаш учун қайтмади.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан вилоятлардаги ўсмирлар диспансери марказлари фаолиятини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2005-2006 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятларида янги ўсмирлар диспансери маркази бинолари қурилиб, тўлиқ замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. У ерда олий ва биринчи тоифадаги малакали шифокорлар хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, барча ўсмирлар диспансери марказларида «кундузги шифохона»лар ташкил этилган бўлиб, соғлигини тиклаётган ўсмирлар учун кундузги даволов ишлари амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чақирув комиссияси томонидан соғлиғини тиклаш учун жўнатилган ёшларга бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Бу борада Жиззах, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказларида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.


– Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказимиз пойтахтда истиқомат қилаётган 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган 134 минг нафар ўсмирга тиббий хизмат кўрсатади, – дейди Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлигини тиклаш маркази бош шифокори, Республика муқобил тиббий комиссияси раиси Маҳбуба Арифханова. – Марказимиз 105 ўринга мўлжалланган бўлиб, Германия, Япония ва Венгрия каби давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ўтказилган илмий-амалий анжуманда шифокорлар бугунги кунда тиббиёт соҳасида қилинган янгиликлар билан танишиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Бундай ўзаро тажриба алмашишлар шифокорларнинг келгусидаги ишларида пухта замин яратиб, фаолиятлари давомида ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Аҳрор НОЗИМОВ.

Қарор ва ижро

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ



Миллий армиямизда хизмат қилиш бугунги кунда ёшларимизнинг эзгу орзусига айланиб улгурди. Эр йигитнинг ҳар томонлама баркамол шахс сифатида камол топишида, ҳам маънан, ҳам жисмонан юксалишида армия муҳим ўрин тутади.

Биргина муддатли ҳарбий хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятларнинг ўзиёқ ҳукуматимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган катта эътибордан далолатдир. Муддатли ҳарбий хизматга кузатилаётганларни ва резервга бўшатилаётган йигитларни байрамона тарзда кузатиш, кутиб олиш тадбирлари, шунингдек, резервга бўшатилганларни ишга жойлаштириш каби масалалар давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. Кўриниб турибдики, Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этган асл мардларнинг хизматдан кейинги тақдири ҳам давлатимиз томонидан эътиборсиз қолдирилмаяпти.

Бу борада Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 августдаги Қарорига биноан Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқароларни хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда бўш иш жойларига жалб қилинмоқда, – дейди бошқарманинг меҳнат бозори, иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи Гулчеҳра Камалова.

– Бунда жойлардаги бўлимларимиз, туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Вилоят бўйича 2007 йилнинг 15 март ҳолатига эътибор қилсак, ортда қолган йилнинг кузида резервга бўшатилганларнинг 65 фоизи доимий иш билан таъминланган бўлиб, юртимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёрланаётганлар 10 фоизни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга кириш учун ҳужжат топширганлар 20 фоизни ташкил қилади.

– Посбонларимизга ҳукуматимиз ғоят ғамхўрлик қилмоқда, – дейди Бекобод тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Абдулло Сирожиддинов. – Ишлайман деган азаматларга меҳнат бўлимлари томонидан квоталанган иш ўринлари таклиф этилади. Бизнинг тумандан ҳам 2006 йилнинг кузида резервга бўшатилган фуқароларнинг 30 фоизи меҳнат бўлими тавсия қилган бўш иш ўринларига жойлаштирилди. Ҳарбий хизматга қадар ишлаган корхона ва ташкилотларига қайтган 4 нафар йигитларимиз янги куч-ғайрат билан иш фаолиятларини давом эттиришмоқда. Мустақил равишда ишга жойлашганлар 50 фоизни ташкил этади. 10 фоизи эса тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Давлат секторига ишга жойлашганлар 10 фоиздан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сафарбарлик чақируви резерви хизматини ўтаган фуқаролар ҳам бундай имтиёзлардан кенг фойдаланишмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтаб, яқинлари ёнига ёруғ юз билан қайтган ўғлонларимиз қишлоқ хўжалиги ҳамда давлат идораларига ишга жойлашиб, барча соҳаларда пешқадам бўлиб келишмоқда. Уларнинг ҳаётида армия хизмати давомида орттирган сабоқ ва билимлари муҳим ўрин тутмоқда. Бунга уларнинг ўзлари билан суҳбат қилганимизда яна бир бор амин бўлдик.

Акмал Абдуқодиров 1986 йилда Олмалиқ шаҳрида туғилган, 2005-2006 йилларда Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган.

– Мен хизматим давомида жуда кўп нарсани ўргандим, – дейди А.Абдуқодиров. – Ҳарбий билимлар билан бирга маънавий илмларга ҳам эга бўлдим. Сабрли, метин иродали, меҳнатсевар қилиб тарбияларкан, армия. Бизга кўрсатилаётган катта эътибор туфайли ишга жойлашдим. Ҳозирда Олмалиқ тоғ металлургия очиқ акциядорлик жамиятининг қўриқлаш хизматида фаолият кўрсатиб келяпман.

Эркин Ҳайдаров, Бекобод туманидан.

– Армияни ҳаёт мактаби деганларича бор экан, – дейди у биз билан суҳбатда. – Ҳарбий хизмат мени ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди. Хизмат мобайнида яратилган шарт-шароитлар, бизга кўрсатилган ғамхўрликларнинг қиёси йўқ, ўқиб ўрганишимизда, маънан ва жисмонан юксалишимизда барча имкониятлар муҳайё қилинган. Хизматни ўтаб қайтганларга бериладиган имтиёзлар сабаб, туман меҳнат бўлими томонидан ишга жойлашдим. «Ҳотамбой Ҳайитбой» фермер хўжалигида ишлаш билан бирга, иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга киришга ҳам қизғин тайёргарлик кўраяпман.

Фаррух Худойбердиев, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидан.

– 2006 йилнинг ноябрь ойида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим, –дейди Ф.Худойбердиев. – Ҳукуматимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган эътибори туфайли қисқа муддат ичида ўзимга маъқул бўлган ишга жойлашдим. 2007 йилнинг февраль ойидан бошлаб Ўртачирчиқ туман газ корхонасида назоратчи вазифасида ишлаб келмоқдаман. Армияда орттирган билимларим вазифамни аъло даражада бажаришимда жуда асқотмоқда.

Ҳа, юқорида таъкидлаганимиздек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, эл-юрт корига камарбаста бўлган ўғлонларимиз хизматдан кейин ҳам берилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз равнақига, унинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ишончимиз комилки, армия мактабини шараф билан ўтаган йигитларимиз келажакда билдирилаётган юксак ишончни оқлаб, мустақил диёримиз иқтисодиётининг янада ривожланишида бел боғлаб хизмат қиладилар.

Аҳрор ОЧИЛОВ.
Суратлар таҳририят фотоархивидан олинди.

Коллежда учрашув

ОФИЦЕР БЎЛИШГА ҚИЗИҚАСИЗМИ?

Миробод саноат касб-ҳунар коллежида талабалар ва Мудофаа вазирлиги тизимига қарашли олий ҳарбий билим юртларида фаолият юритаётган ўқитувчи офицерлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Тошкент шаҳар мудофаа ишлар бошқармаси маъсул ходими офицер Рашид Арамов Мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицерлар тайёрловчи билим даргоҳлари, уларга ўқишга киришдаги қабул шартлари ва умумий қоидалари, тиббий кўрикдан ўтиш тартиби ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот берди.

Шундан сўнг ҳарбий билим юртлари ўқитувчи офицерлари А. Шарипов, М. Бойжигитов, Р. Абдумаликов, М. Ямлихановлар сўзга чиқишиб, ўзлари фаолият юритаётган билим юртларида ҳарбий касбнинг қайси йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланиши, билим юртининг ўқув-моддий базаси, курсантларнинг билим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида гапириб ўтдилар.

Тадбир ниҳоясида талабалар ва учрашув меҳмонлари ўртасида жонли мулоқот бўлиб ўтди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

– Ўн беш кун мобайнида бутун республика бўйлаб коллеж, лицей ва мактабларда мана шундай тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борамиз, – дейди офицер Рашид Арамов. – Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, ҳарбий билим юртларида ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ёш йигитларга йўл-йўриқ кўрсатиш, яъни уларга ушбу билим юртлари ҳақида тўлиқроқ маълумот беришдан иборат. Чунки кўпчилик ёшлар ҳарбий соҳага қизиқса-да, мактабни ёки коллежни битирганидан кейин ҳарбий билим юртлари ҳақида озгина бўлсада маълумотлари йўқлиги сабабли иккиланиб қолишади, кимга ва қаерга мурожаат қилишни билишмайди. Аксарият ёшлар эса бу билим юртларидаги кириш имтиҳонлари тугагандан кейин мурожаат қилишади. Имтиҳонлар эса июнь ойида бўлиб ўтади. Биз учрашув сўнггида коллеж раҳбариятига кириш имтиҳонлари қайси фанлардан бўлиши, ва ҳарбий билим юртлари жойлашган манзиллар кўрсатилган плакатларни топширдик. Ўйлаймизки, бу ҳам ёшларга жуда катта ёрдам беради.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Тежамкорлик – муҳим омил

ЖАНГОВАР ҚУДРАТИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони жорий йил Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида минтақамизда ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи жиддий ташвиш уйғотишини таъкидлар экан, буларнинг бари шу муқаддас заминда яшаётган, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишни, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашни, давлатимиз сарҳадларини қўриқлаш ва ҳимоялашни кучайтиришни, бунинг учун мавжуд бўлган барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишни тақозо этажагини айтиб ўтди. Бу борадаги вазифаларни санар экан, давлатимиз раҳбари қўшинларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника, ўта аниқ ишлайдиган қуроллар, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан, шунингдек, ишончли анжом-аслаҳа ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланишини янада юксалтиришга алоҳида эътиборни қаратди. Қолаверса, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уй-жой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимлигини уқтириб ўтди. Буларни бежиз таъкидламаяпмиз. Яхши биламиз, давлатимиз раҳбарияти миллий армиямиз шаклланиши, ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги йўлида кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Мудофаа салоҳиятимизни мустаҳкамлаш йўлидаги бу саъй-ҳаракатларнинг бари табиийки, улкан маблағни талаб қилади. Гап халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг ана шу маблағи, пулини посбонларимизнинг мақсадли равишда ишлатишида. Демакки, ҳарбий мулкка юксак эътиборида, моддий-техник воситаларни асраб-авайлашида, уларни тежамкорлик билан сарфлашида. Ажратиладиган бюджет маблағларидан аниқ мақсад йўлида, шундайин самарали фойдаланишимиз лозимки, токи бу маблағлар Қуролли Кучларимизнинг қудратини, жанговар имкониятларини, шахсий таркибнинг жанговар руҳини оширишга хизмат қилсин, пировардида бу давлатимиз қудратини, Ватанимиз равнақини таъмин этсин. Ёки содда қилиб айтганда, ажратилажак ҳар бир сўм жанговар қудратимиз ошишига хизмат қилсин.

Жорий йил аввалида Мудофаа вазирлиги ҳарбий кенгашида моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бюджет маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Аниқроғи ортда қолган 2006 йилда бу борада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди. Қувонарлиси шундаки, таҳлиллар ўтган йилда маблағларнинг аниқ, мақсадли сарфланганини кўрсатмоқда. Бу борада Шарқий ҳарбий округи, Марказий ҳарбий округ, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари намуна кўрсатишгани эътироф этилди.

Хўш, давлат бюджетидан ажратилажак маблағлардан тежамкорона, оқилона фойдаланишда тилга олинаётган округларда қандайин тажрибалар бор, деган савол туғилиши мумкин. Шу ўринда бир омилга эътиборингизни қаратсак. Бу шахсий таркиб ёрдамида амалга ошириладиган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари. Маълумки, ҳарбий қисм, муассаса посбонларнинг иккинчи уйи, демак, унинг ободлиги, янада файзли бўлишига барча масъул. Шу маънода кўлами улкан бўлмаган баъзи бир бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини ўз кучимиз ёрдамида бажаришимиз мумкин. Ахир, ота-боболаримиз ҳашар йўли билан ҳатто катта-катта қишлоқларни қуришганини ҳам биламизку. Қарабсизки, маблағ тежалади. 2006 йилда бу борада Шарқий ҳарбий округи, Марказий ҳарбий округида олиб борилган ишлар самара бериб, моддий ресурсларнинг анчайин тежалишига сабаб бўлди.

Қўшинларда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида ҳарбий хизматчилар онгида тежамкорлик, давлат, ҳарбий мулкдан оқилона фойдаланиш борасида кенг тушунчалар шаклланмоқда. Замонавий электр ҳисоблагичлар, сув, газ ўлчагичлар ўрнатилиши натижасида ресурслар анчайин тежаляпти. Масалан, Шарқий ҳарбий округида 2006 йилда тежалган маблағларнинг 70 фоизи уй-жой эксплуатацияси билан боғлиқ ишларга, демакки, юқорида тилга олинаётган ўзгаришларга тўғри келмоқда.

Шу ўринда иқтисодий фаолиятни юритувчи молия хизматларининг роли, аҳамияти ҳам беқиёс. Улар ҳарбий қисм эҳтиёжини тўғри белгилай олиши, маблағларни жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар тизимига аниқ, мақсадли йўналтира билишида ҳам гап кўп. Яъни, тегишли хизматлар бошлиқлари билан кенгашиб, қайси йўналишда қандайин маблағни тежаш кераклигини, қайси йўналишларда маблағ мақсадсиз фойдаланилаётганини фикрлашиб олишлари мумкин. Бунда мунтазам равишда мониторинг олиб бориш, иқтисодий фаолиятни муайян вақт оралиғида таҳлил қилиш ҳам ўз самарасини беради.

Ҳадемай муддатли ҳарбий хизматчилар резервга бўшатилади. Ҳужжатларда белгиланган тартибга риоя қилмаган ҳолда уларни ўз вақтида бўшатмасдан сафларда ушлаб туриш ҳам бюджет маблағларининг ортиқча сарф-харажатига сабаб бўлади. Бу борада ҳам командирлар жиддий бош қотириб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Умуман, онгимизда тежамкорлик, давлат, ҳарбий мулкни асраб-авайлаш туйғуларини шакллантира боришимиз лозим. Негаки, бу маблағда ота-онамизнинг, ака-укамизнинг, опа-синглимизнинг, севимли ёримизнинг ҳиссаси бор. Бу маблағлар замирида Ўзбекистонимизнинг тинчлик-осойишталиги, равнақи, халқимиз фаровонлиги ётибди. Демак, ҳар бир ажратилажак сўм миллий армиямиз жанговар қудрати ошишига мақсадли хизмат қилса, бурчимизни виждонан адо этган бўламиз.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир» мавзуидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ўрганишга қаратилган илмий амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни билим юрти бошлиғининг ўринбосари офицер Ш.Абдуллаев очди. Унда сўзга чиққан билим юрти бошлиғи генерал-майор Қ.Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Ислом Каримовнинг нутқида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда шахсий таркиб олдига қўйилган вазифалар ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ҳақида муфассал тўхталди. Шунингдек, катта ўқитувчи, иқтисод фанлари номзоди А.Гаппаров, профессор А.Ибрагимов, кафедра бошлиғи А.Аҳмедовларнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Тадбир якунида илмий амалий анжуман жараёнида ишлаб чиқилган тавсиялар ўқиб эшиттирилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундай тадбирлар мамлакатимиз тараққиётида ҳар бир кишининг ўз ўрни, ўз улуши борлигини англатиб, юрт келажаги учун сидқидилдан хизмат қилишга руҳлантириб туради.

З.ҚОСИМОВ,
Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

ҚАДИМ НАВРЎЗ – НАВҚИРОН НАВРЎЗ

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШОДЛИГИ

Айни дамда ўлкамизнинг барча гўшалари баҳор гўзаллиги, Наврўзи олам шодликларига йўғрилган. Қадим қадриятларимиз, ўзбекона урф-одатларимизнинг оҳори тўкилмай сақланиши мана шундай қадимий, миллий байрамларимизнинг давом этиб келаётгани билан узвий боғлиқ, шубҳасиз. Наврўзи ажам ўзига хос эзгу хусусиятлари билан халқимиз учун азиздир. Аждодларимиз учун янгиланиш, янги йил сифатида қадрланган ушбу баҳор байрами шаҳару қишлоқлар, боғу майдонларда катта тантаналар билан кутиб олинмоқда.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманига қарашли «Ҳазрати-Имом» маҳалласида ҳам Наврўз байрамини ҳар йили шодиёна билан кутиб олиш анъана тусига кирган. Бу йил ҳам байрам тадбири маҳалладошлару меҳмонлар жамлигида кўтаринки руҳда нишонланди. Эрта тонгдан катта дошқозонлардаги сумалак, палов, баҳор неъматларидан тайёрланган пиширириқлар байрамга тахт қилинди. Маҳалла оқсоқоли Абдулла ҳожи Маҳамадалиев Наврўз айёми билан барчани қутлаб, «Ижтимоий ҳимоя йили»да юртимизда, хусусан, маҳаллада амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Маҳалла фаолларидан бўлган Миродил Ҳакимов ўзбек заминида Наврўзи оламнинг келиб чиқиши, унинг тарихи ва бугуни ҳақида маълумот бериб ўтди. «Ўзбек миллий либослари» галереясининг бош директори Дилмурод Аҳмедовнинг маҳалла билан ҳамкорликдаги фаолияти мамнунлик билан қайд этилди. Табрик ва қутловлар Аброр Ҳидоятов номидаги театр санъаткорларининг куй-қўшиқларига уланди.

Зулфия НОСИРОВА.

БАҲОРИЙ ТАНТАНА

Баҳор – табиатнинг уйғониш фасли. Бундан ташқари ушбу фасл бетакрор байрамларга, шукуҳли айёмларга бойлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, Наврўз байрами шодиёнаси юртимизнинг барча гўшаларида тантанавор нишонланади.

Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейида ҳам яшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Билим даргоҳига яқинлашган сайин карнай-сурнай садоларининг эшитилиши байрамни нишонлаш учун келаётган меҳмонларга хурсандчилик бағишлади. Буни уларнинг юзларидаги табассумдан ҳам илғаш мумкин эди. Лицей ҳовлисида катта байрам дастурхони ташкил қилинган. Турли баҳорий таомлар билан безатилган ушбу дастурхон атрофидан меҳмонлар ва мезбонлар, яъни устоз-офицерлар, ўқитувчилар, тарбияланувчилар жой олган. Барча байрамга бағишланган концерт дастурини интиқлик билан кутаяпти. Байрам дастури очиқ деб эълон қилинди. Дастур аввалида лицей директори Собир Аҳроров йиғилганларни баҳор байрами муносабати билан муборакбод этиб, ўзининг эзгу тилакларини билдирди. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Ҳусан Шарипов, «Муштум» журнали масъул ходимлари, ҳажвчи ёзувчилар Саид Анвар ва Абдураззоқ Обрўевлар ўзларининг ичакузди ҳангомалари билан барчага кулгу улашдилар. Ниҳоят, ранг-баранг тарзда тузилган байрам дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Дастурда миллий урф-одатларимизни акс эттирган саҳна кўринишлари, буюк аждодларимиз ҳаётидан олинган ибратли лавҳалар, лицей тарбияланувчиларининг жисмоний тайёргарлик бўйича турли кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Табиийки, бундай тадбирлар ўйин-кулгусиз, куй-наволарсиз ўтмайди. Элимиз ардоғидаги санъаткорларнинг шўх-шодон қўшиқлари, пойтахтимиздаги 268-мактаб ўқувчиларидан иборат «Юлдузча» ансамблининг рақслар гулдастаси байрамга ўзгача файз бағишлаб, барчага манзур бўлди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



ГАРНИЗОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЯНГИ КУН ШУКУҲИ

Кўнгилларга олам-олам қувонч улашган Наврўзи олам бу йил юртимизда ўзига хос тарзда нишонланмоқда. Миллий анъаналаримизни ўзида акс эттирган бу байрамни баҳорнинг тансиқ таоми ва турли хил спорт ўйинларисиз тасаввур қилиш қийин. Буни яхши англаган катта лейтенант Шуҳрат Давлешов хизмат қилаётган ҳарбий қисм жамоаси «Янги кун»ни янада кўтаринки руҳда нишонлаш учун эрталабдан дошқозонларда сумалак пиширишга киришишди. Бунга қисмнинг ҳарбий оилалар билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи – хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Қосимова ҳамда қисм кутубхонаси бошлиғи Муҳаббат Жумановалар бош-қош бўлишди.

Наврўз байрами муносабати билан ҳарбий қисмда тушга яқин катта шодиёна уюштирилди. Посбонлар ўртасидаги турли спорт мусобақалари эса бу байрамона тантанага ўзига хос файз киритди. Спортнинг стол тенниси, граната улоқтириш, арқон тортиш, тош кўтариш ҳамда футбол турлари бўйича ўтказилган беллашувларда алпкелбатли посбонлар ўзаро баҳс юритишди. Эътиборлиси шундаки, ушбу мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Ойбек Ғаффоров, Илёс Каримов ва Жамшид Шаропов сингари оддий аскарларга ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан фахрий ёрлиқ топширилди. Юрт посбонларининг қалбига шодлик улашган бу каби шукуҳли дамлар қувончлари уларнинг ёдида анча вақтгача сақланса, ажаб эмас.

Карина ҚУРБОНОВА.
Тошкент ҳарбий округи.

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Нукус гарнизони офицерлар уйида Наврўз айёмига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди. Капитан Бахтиёр Шомуратов бошчилигидаги гарнизон бадиий ҳаваскорлик ансамбли тайёрлаган ранг-баранг дастур ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, 16-сонли умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва «Қуёшча» номли мактабгача таълим муассаса тарбиячиларига жуда манзур бўлди.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Қуролли Кучлар хизматчиси Ринат Ражабов ва хушовоз хонанда Гулшаҳар Бекниязовалар ижросидаги бир-биридан гўзал куй-қўшиқлар ҳар қандай томошабинни-да бефарқ қолдирмагани аниқ.

Шунингдек, ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилувчи юрт посбонларининг фарзандлари – таэквондо тўгараги қатнашчиларининг чиқишлари тадбирни янада безади.

Жойларда ўтказилаётган юқоридаги каби тадбирлар ватандошларимизга баҳорий ва кўтаринки кайфият бағишлаши, байрам тантаналари эса ҳали давом этиши шубҳасиз.

Катта лейтенант Жаҳонгир ЖУМАНАЗАРОВ.
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ.

ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

Шу кунларда жонажон Ватанимизнинг баҳор нафаси уриб турган қай бир гўшасида бўлманг, миллий байрамимиз бўлмиш Наврўзи олам тантаналари кенг миқёсда нишонланмоқда. Бундан юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида туну кун хизмат қилаётган ҳарбийларимиз ҳам мустасно эмас.

Жумладан, Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳам Наврўз айёми давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўтаринки руҳда ўтказилди. Округ тарбиявий ишлар бошқармаси ҳамда хотин-қизлар кенгаши жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ва мудофаа ишлари бўлимлари билан биргаликда бир қатор байрам тадбирларини уюштиришди.

Шундай тадбирлардан бири Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси томонидан шаҳардаги меҳрибонлик уйларидан бирида ўтказилди. Унда юздан зиёд мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари ва бошқалар қатнашишди. Болажонларга қимматбаҳо совғалар берилиб, дошқозонларда ош, сумалак ва ҳалим пиширилиб, дастурхонга тортилди.

Қарши шаҳар офицерлар уйи оркестр жамоаси ҳам, Яккабоғ туман «Саховат» қариялар ва ногиронлар уйида ҳамда Қамаши туман Мирзо Улуғбек номидаги меҳрибонлик уйида ўзларининг чиройли байрамона концерт дастурлари билан ташриф буюришиб, йиғилганлар кўнглини шод этишди.

Тамара МАМАНОВА.
Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округ.

ХАШАР УДАЛСЯ

В подразделении, где служит младший сержант Анвар Кувондиков, хашар, посвященный Наврузу, удался на славу.

Личным составом подразделения было немало сделано для того, чтобы в этот праздник весеннего созидания сплоченным трудом была внесена существенная лепта в благоустройство части. В ходе его проведения были посажены новые саженцы фруктовых деревьев, произведена побелка, в спортивном городке установлены новые тренажеры и инвентарь. Среди наиболее отличившихся назывались имена младших сержантов Б.Арипова, Ж.Исмаилова, А.Тухтаева, рядовых Б.Усманова, Б.Тошева, С.Комилова и других.

В завершение хашара благодаря инициативе комитета женщин части на праздничном дастархане к ароматному плову был предложен и сумаляк собственного приготовления.

Рядовой Ильхом АВЕЗОВ,
Восточный военный округ.

ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

Марказий ҳарбий округида ҳам умумхалқ байрами – Наврўз кўтаринки руҳда ўтказилди.

Округга қарашли ҳарбий қисм, муассаса ва ҳарбий шаҳарчаларда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда сумалак, ҳалим каби тансиқ таомлар пиширилди, кўк сомса, кўк патир ва яна кўплаб баҳорий ҳамда байрамона таому пиширириқлар билан дастурхонлар безатилди. Посбонлар ўртасида кураш, арқон тортиш, югуриш каби мусобақалар ва интеллектуал ўйинлар ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар тақдирландилар. Жумладан, офицер Абдулҳамид Абдураҳмонов етакчилик қилаётган ҳарбий қисмда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Қувноқ билимдонлар» ўйинида ғолиб гуруҳ аудиомагнитофон ва фахрий ёрлиқ билан мукофотланди. Муддатли хизмат оддий аскарлари Анвар Холов ва Ҳусан Эргашевлар энг билимдон ва ҳозиржавоб аскарлар деб топилишди. Кураш мусобақаларида эса оддий аскарлар Бекжон Келдиёров ва Фарҳод Йўлдошев, тош кўтариш баҳсларида оддий аскар Аҳрор Холматов ва арқон тортиш ўйинларида округга қарашли сержантлар тайёрлаш мактабидан капитан Сайфиддин Норматов командирлик қилаётган взвод посбонларининг олдига тушадиганлар топилмади. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Шунингдек, дала-ўқув машғулотлари майдонида хизмат бурчини адо этаётган ўғлонларга ҳам хуш кайфият улашиш мақсадида офицер Ўлмас Шодиев етакчилик қилаётган Самарқанд гарнизони Офицерлар уйига қарашли ҳарбий ансамбль жамоаси томонидан сафарлар ҳам уюштирилди.

Майор Шавкат ҲОШИМОВ.
Марказий ҳарбий округ.

БУГУН ЎЛКАМДА ХУШ АЙЁМ

Диёрим бағрида оромижон дилбар сабо ўйнар,
Само пештоқидан зар тўкилиб, сўнмас зиё ўйнар.
Қуёш акси-ла ҳар юз узра порлоқ минг жило ўйнар,
Гўзал лабларда ханда – севги завқидан ибо ўйнар.
Бугун ўлкамда шод айём, гўзал Наврўзи оламдир,
Бари дилларда эзгу истагу – бахт онлари жамдир.

Қуёш муштоқ бугун кўкда – замин базмини кўрмоққа,
Дилором навбаҳор бирлан, замон гаштини сурмоққа.
Сочар зар сепларини мўътабар, покиза тупроққа,
Булоқлар кўз очиб инжу тўкар ҳар тошу ирмоққа.
Бу айём энг сўлим айём – бугун Наврўзи оламдир,
Кўнгилларда баҳор гашти –
кўнгиллар мангу кўркамдир.

Уфуқ мовийлиги бирлан туташган мўйсафид тоғлар,
Шинам жозиба бирлан пурвиқор жонона қишлоқлар.
Яна ферузадан гулгун либос киймоқда гул боғлар,
Бари инсон дилига завқу – илҳом солса бу чоғлар.
Бу чоғлар дилрабодир – бу гўзал Наврўзи оламдир,
Унинг завқи билан қувноқ мудом фарзанди одамдир.

Кўтармиш қоматин гул майсалар – шабнам отида,
Ажиб хониш этар булбул, саҳарлар гул фироқида.
Чаманлар жилва бирлан юз очишнинг иштиёқида,
Баҳор акси намоён ҳар кўнгилда – умри боқийда.
Бугун ўлкамда хуш айём – гўзал Наврўзи оламдир,
Ватанда, ўлкамизда жонажон халқимга байрамдир.

Табиат жилвагар шу бахтиёр, дилбар замон мисли.
Сахий тупроғимиз бағрин очибди паҳлавон мисли.
Адирлар сийнаси чорлайди, бир тахти равон мисли,
Боболар отланур майдонга кўп ёшу – жувон мисли,
Қувон Яҳъё – бугун байрам, гўзал Наврўзи оламдир,
Элим ижод ва меҳнат ҳам шижоат мулкида жамдир.

Ҳайдар ЯҲЁЕВ.



САЛОМ НАВРЎЗ!

Юртимга гул сочиб хуш келдинг, Наврўз!
Чиройинг сен очиб хуш келдинг, Наврўз!
Далаю қир ошиб хуш келдинг, Наврўз!
Биз сени интизор соғиниб кутдик,
Биз сени жуда ҳам соғинган эдик.



Сумалак қайнайди дошқозонларда,
Баҳорий кўркамлик ҳар томонларда.
Ёшариш, ўзгариш ҳар инсонларда
Наврўзим, ўлкамга хуш келдинг яна,
Ҳаммаёқ яшнаган, юртда тантана.
Наврўзим, ўлкамни тарк этмагансан,
Замонлар гоҳида ўкситганда ҳам.
Аразлаб юртимдан ҳеч кетмагансан,
Чечаклар сочдингда ҳар йили келдинг,
Бошини силадинг бу улуғ элнинг.

Мустақил Она юрт, байрам муборак,
Шодликда ўтган ул ҳар дам муборак,
Хуш келган Наврўзи ажам муборак
Она юрт, ўйна кул, Наврўз байраминг,
Мозийлардан келган бу ўз байраминг.

Ҳамидулло ИСМАТ.



ХУШ КЕЛДИНГ, ЯШАРИШ ФАСЛИ!

Наврўз – янги кун, янгиланиш, жонланиш, покланиш айёми. Наврўзни байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда қадимдан давом этиб келаётган анъанадир. Наврўз инсоннинг жуда қадимдан шаклланган маълум удум ва одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, атроф-муҳит, табиат омиллари билан ўзаро муносабатлари замирида вужудга келган. Асрлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши асносида кенг ёйила борган, мазмун жиҳатидан бойиган ва маълум ўлкалар доирасида тарқалиб, мустаҳкам анъанага айланган. Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимийлигини асословчи ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотлар, Наврўз қадимги эронликларда, Аҳмонийлар давридан бошлаб (милоддан аввалги 558 – 330 йиллар) одат тусига кирган, деб хулоса беради.

Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Шарқ ёзма манбаларида – буюк олим Абу Райҳон Беруний (973 – 1048 йилларда яшаган)нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий» ва «Ат-тафҳим» асарларида, Умар Ҳайёмнинг (1054 – 1131 йилларда яшаган) «Наврўзнома» рисоласида ёзиб қолдирилган. Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз ҳақида шундай ёзади: «Эрон олимларининг баъзилари: – У кунни Наврўз деб аташининг сабаби шуки, қадимги Эрон подшоҳларидан бири Жамшид ўз салтанати даврида анчагина дунёвий тадбирлар жорий этган, жумладан, давлат тузган, одамларни табақаларга ажратган, кийим кийишга ўргатган, мажусийлар динини янгилаган ва бу иш қилинган кун, Наврўз – «Янги кун» деб аталган», деб ёзганлар.

Наврўз мавзуси сўз мулкининг султони Алишер Навоий назмидан ҳам ўрин олган. Унинг «Садди Искандарий» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши таъкидлаб ўтилган:

Ки бу сур эрур олам афрўз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

Юқорида биз Наврўз байрами тарихига бир назар ташладик, холос. Асрлар қаъридан, не-не зулматлардан, қаҳратоннинг қатронларидан омон чиқа олган Наврўз ҳақиқатан ҳам халқ байрами, яхшилик, поклик ғалабасидир.

Онажонларимиз сумалак тараддудида. Қизлари ва келинларини, маҳалланинг ёшу қарисини жамулжам қилиб, дошқозонга яхши ниятлар билан ёғ қуйишди. Янги кун барака олиб келсин, Наврўз юртимизга ризқ-рўз олиб келсин.

Қизу жувонларнинг ҳусни янада очилиб кетди. Бўз йигитлар нигоҳида виқор ва ишонч.

Қизлар сочин қирқ ўрар,
Ўзларин қилиб кўз-кўз.
Замин янги тўн кияр,
Келса Наврўз, келса Наврўз!

Қалби пок, ниятлари покиза юртдошим, Наврўзинг муборак бўлсин!

Шаҳзода МУҲАММАД.

Все офицеры и служащие органов Военной прокуратуры во главе с ее руководством накануне праздника Навруз приняли активное участие во Всенародном хашаре. Коллектив Военной прокуратуры внес свой вклад в озеленение и благоустройство близлежащей территории. Не зря говорят, что Навруз – это праздник весны и обновления. Вот почему в дни Всенародного хашара была проведена огромная работа: чисто прибраны улицы и тротуары, прилегающие к зданиям Военной прокуратуры, вскопаны клумбы и посажены деревья. Офицеры и служащие трудились с приподнятым настроением и удовольствием, как бы приглашая весну быстрее вступать в свои права.

Особую прелесть обстановке всеобщего душевного подъема придавало цветение фруктовых деревьев, наполнявших воздух душистым ароматом.

Это мероприятие, проведенное в преддверии светлого весеннего праздника, разбудило в душах чувство близости к окружающей нас среде, позволило стать еще ближе друг к другу, одновременно напомнив о необходимости сбережения наших национальных обычаев и духовных ценностей.

Ю.МУТАЛИЕВ, подполковник юстиции.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЁРДАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ

Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, инсоният ҳеч қачон ҳукуматсиз, давлатсиз яшай олмаган, аксинча том маънодаги давлатнинг ривожланиши жамиятнинг юксалишига олиб келган. Зотан, давлат жамиятда барча синфлар, табақалар ва миллатларни муросага келтириб турувчи кучдир. У барча нодавлат ташкилотлардан ўзининг асосий белгилари ва қонунларининг бажарилиши ҳамма учун мажбурийлиги билан фарқланади.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида биринчи бўлиб, бошқарувнинг президентлик шакли жорий этилди. Жойларда бошқарув тизими қайта ташкил этилиб, муваффақиятли уддаланди – вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик тузилмалари фаолият кўрсата бошлади. Суверен давлат сифатида Ўзбекистон ўз Конституцияси, давлат рамзлари, армияси, пул бирлиги ва бошқаларга эга бўлди.

Давлат рамзлари – муайян бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида, энг муҳим белгилар бўлиб, улар бевосита халқ миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Давлат рамзлари мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлаштиради. Уларда халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади. Давлат рамзлари конституция ёки махсус қонун билан белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг **Давлат Байроғи** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинди.

Ўзбекистон Давлат Байроғининг рамзи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроқларига хос энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда, республика табиатига мос хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги мовий ранг – тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзи. Бу – яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, буюк Амир Темур давлатининг байроғи ҳам мовий рангда бўлган.

Оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд довонлардан ошиб ўтиши керак. Байроғимиздаги бу ранг йўлимизнинг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир.

Яшил ранг – сернеъмат ва оромбахш табиат тимсоли. Ҳозирги вақтда бутун дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракати кенг ёйилмоқда. Унинг рамзи ҳам яшил рангдир.

Қизил чизиқлар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларини англатади.

Ярим ой – ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Ярим ой ва юлдузлар – мусаффо осмоннинг ва тинчликнинг рамзларидир.

Байроғимизда 12 та юлдуз тасвири бор. 12 рақами қадимдан мукаммаллик тимсоли ҳисобланади.

Давлатимиз Байроғи – бизнинг суверенитетимиз, ўтмишимиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, анжуманларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

Давлат Герби – давлат рамзларидан бири бўлиб, унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва бошқа белгилари ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Гербининг марказида тасвирланган – қанотларини кенг ёйиб турган Ҳумо қуши – бахт-саодат ва эрксеварлик рамзидир. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий Ҳумо қушини барча тирик мавжудотлар ичида энг саховатлиси, деб таърифлаган.

Гербнинг юқори қисмида республикамиз собит ва барқарорлигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган.

Қуёш тасвири – давлатимизнинг йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда у республикамизнинг ноёб табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради.

Бошоқлар – ризқ-рўзимиз бўлмиш ғалланинг тимсоли. Оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган гўза шохлари – серқуёш юртимизнинг донғини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир.

Бугдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги – республикамизда истиқомат қилаётган халқлар якдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвирда бўлиб, Ҳумо қуши кумуш рангда; қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзув тилла рангда; гўза шохлари ва барглари, водийлар яшил рангда; тоғлар ҳаворанг да; чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг Давлат Байроғи тасвирланган ва «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган лента тўрт хил рангда берилган.

Герб давлат байроқларида, муҳрда, расмий бланкаларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида, баъзи биноларда тасвирланади.

Давлат мадҳияси – давлат байроғи ва давлат герби билан бир қаторда давлатнинг расмий рамзи ҳисобланадиган шеърий-мусиқий тантанавор асар, гимн. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди. Мадҳиялар танловида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ёзган шеър ва бастакор Мутал (Мутаваккил) Бурхонов басталаган вариант тасдиқланди.

Давлат мадҳияси тантанали йиғилишлар, жамият ҳамда муҳим давлат аҳамиятига молик воқеаларни нишонлаш юзасидан ўтказиладиган маросимлар, халқаро спорт мусобақаларида ғолибларни мукофотлаш сингари тадбирларда ижро этилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси – давлатимиз мустақиллигининг тимсоли бўлиб, у Ўзбекистон фуқаросида ватанпарварлик туйғуларини уйғотади.

Мадҳия жамоатчилик олдида ижро этилганда иштирокчилар уни тик туриб, эркаклар бош кийимларини ечиб, ҳарбий хизматчилар ўнг қўлини бош кийимига тақаган ҳолда эшитадилар.

ДАВЛАТ, БУ – МАМЛАКАТ МИҚЁСИДА ЖАМИЯТНИ УЮШТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ, УНИНГ ТАШҚИ МУНОСАБАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВАКОЛАТЛАРИ БЎЛГАН ТУЗИЛМАДИР. ДАВЛАТ ЖАМИЯТНИ ЎЗ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИГА КЎРА ИДОРА ҚИЛАДИ, ТУРЛИ ТИП ВА ШАКЛЛАРДА ТАШКИЛ ТОПАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири халқ ҳокимиятчилиги бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Халқ давлатни бошқаришни бевосита ёки Ўзбекистон Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган вакиллари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин. Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим тамойилларидан бири давлат суверенитетидир. Давлат суверенитети – давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини олиб боришдаги тўла мустақиллигидир. Конституциянинг муқаддимасида давлат суверенитети ғояларига содиқлик Ўзбекистон халқининг асосий мақсади эканлиги алоҳида қайд қилинган.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишда қонунийлик тамойилига амал қилинади. Ўзбекистон Республикасида мамлакат Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг яна бир тамойили, бу – ҳокимиятнинг тузилишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимияти тизими – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Демократиянинг бевосита амалиётини ривожлантира бориб ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг муҳимлиги эътиборга олиниб, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида икки палатали парламент сайлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини ўзгартириш массалалари бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум қарорларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

Олий Мажлиснинг Сенати (юқори палата) ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, юз нафар Сенат аъзоси(сенатор)дан иборат.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси, маҳаллий кенгашлар депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 6 кишидан вакил сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган, алоҳида хизмат кўрсатган фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганида уларнинг қўшма мажлислари ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат ҳокимияти бошқарувини ташкил этишда маҳаллий ҳокимликлар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органларидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир.

Президент Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан етти йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ваколат муддати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 97-моддасига асосан умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди. Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган (1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда қўшимчалар киритилган) «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Конституциянинг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. У ўзининг ваколатига киритилган давлат ва хўжалик бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир. Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциянинг 89 ва 93-моддаларига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасида одил судловни амалга ошириш мақсадида ташкил этилади ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат ташкилотларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ўз халқи тарихи, унинг руҳияти ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда танлади. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги асосий беш тамойилда таърифлаб берилди:

Биринчиси – иқтисоднинг сиёсатдан устун бўлиши, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш.

Иккинчиси – давлатнинг асосий ислоҳотчи бўлиши, энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши.

Учинчиси – қонун устуворлиги, яъни демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларнинг истисносиз ҳамма фуқаролар томонидан ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилиши.

Тўртинчиси – фуқароларнинг нуфузини эътиборга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши. Аҳолисининг 60 фоизини 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этадиган Ўзбекистонда бу алоҳида аҳамиятга эга.

Бешинчиси – бозор иқтисодига ўтишда иқтисодиётнинг объектив қонуниларини эътиборга олиш ва пухта ўйлаб, уни босқичма-босқич амалга ошириш.

ЭСЛАТМА: Машғулот ва семинар(мунозара) пайтида «Истиқлолнинг буюк йўли», «Ўзбекистонга хуш келибсиз», «Мустақиллик майдони», «Табаррук замин» ва бошқа мавзуга оид ҳужжатли видеофильмлар намойиш этилади.

ТАЪМИНОТ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Унда ҳарбий округлар, қисм ва муассасалар, олий ҳарбий билим юртлари кийим-кечак хизмати бошлиқлари иштирок этдилар. Йиғин аввалида Мудофаа вазирлиги бош бошқармасининг Кийим-кечак таъминоти бошқармаси бошлиғи офицер Олимжон Қудратов ҳарбий қисм ва муассасаларда кийим-кечак тақсимоти бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани, умуман, ушбу йўналишда йил мобайнида қилинган ишлар таҳлили бўйича ҳисобот берди, 2007 йилги режалар ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи офицер Сафарали Мараимов, Назорат ва тафтиш бошқармаси бошлиғи офицер Шуҳрат Сафаровлар сўзга чиқишиб, ҳарбий хизматчиларнинг моддий буюмларни, кийим-кечак ва анжомларни сақлаш, фойдаланишдаги масъулияти ва мажбуриятлари, 2006 йилда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўтказилган текшириш ва тафтиш ишларининг умумий натижалари ҳақида маъруза қилишди. Хизмат бошлиқларига шахсий таркибга кийим-кечак билан таъминлаш меъёрлари ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида етказишни назорат қилиш юзасидан тегишли топшириқлар бердилар.

Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ва давлат техника назорати бўлими вакиллари эса ҳарбий хизматчилар моддий зарар келтирганда қўлланиладиган интизомий ва жиноий жавобгарликлар, қўшинлардаги кийим-кечак таъминоти хизматининг моддий-техник воситаларини авайлаб-асраш ва тежаш бўйича чора-тадбирлар, кийим-кечакларни сақлашда техника хавфсизлигига риоя қилиш хусусида фикр юритишди. Йиғилганларга Мудофаа вазирининг тегишли буйруқ ва кўрсатмаларининг асосий талаблари ва унинг ижросини таъминлаш бўйича тавсиялар берилди. Шу куни мавзуга оид бурч ва масъулият ҳақидаги ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди.


Йиғиннинг иккинчи куни ҳарбий қисм аскарлар ётоқхонасида амалий машғулотлар ўтказилди. Амалий машғулотларга офицер Олимжон Ҳамидов бошчилик қилди. Унда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда хўжалик юритиш ва уни ташкиллаштиришни тўғри йўлга қўйиш, аскарларнинг кундалик ҳаёти учун зарур моддий буюмларни етказишда қўйиладиган кундалик талаблар, ҳарбий анжомларни кийим-кечак омборида сақлаш тартибларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Аскарлар ва ҳарбий хизматчиларни кийим-кечак билан таъминлаш ҳамда уларга зарур буюмларни ўз вақтида етказиб бериш учун бошқармамиз томонидан ҳар йили режа асосида мана шундай ўқув-услубий йиғин ўтказилади,– дейди офицер Олимжон Қудратов. – Бу йилги йиғинни ўтказишдан мақсад, кийим-кечак таъминоти бошлиқларининг назарий ва амалий билимларини янада чуқурлаштириш ҳамда бу борадаги янгилик ва ўзгаришлар билан таништиришдир. Хулоса қилиб айтганда, йиғин давомида тегишли иш ҳужжатларидан, мультимедия воситаларидан кенг фойдаланганимиз йиғиннинг талаб даражасида ўтишига замин яратди. Ўйлаймизки, йиғин қатнашчилари мавзу бўйича етарлича маълумотларга эга бўлдилар.

Йиғиннинг сўнгги куни қатнашчилар учун қадимий Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

СКАНВОРД



ГАЗЕТАНИНГ 11-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Такси, Андижон, Садо, Шукшин, Таманно, Арча, Ис, Етук, Саратон, Аста, Сафар, Ит, Боис, Ноила, Ипак, Асо, Бир, Обод, Соз, Омма, Ока, Огоҳ, Акт, Огайо, Армия, Тўсиқ, Ибо, Ун, Ола, Шараф, Эт, Қамчиқ, Арматура, Йўлдош, Қир.

БЎЙИГА: Тошкент, Кактус, Ирим, Неон, Жасорат, Наъматак, Сатин, Осим, До, Аббосов, «Насаф», Озор, Раиса, Икром, Шакарпалак, Гоби, Номзод, Ўй, Оқ, Иморатсоз, Мард, Истак, Осон, Май, Қул, Мао, Қурама, Алик, Ўт, Чашма, Из, Кифоят, Эр.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Бизнинг тақвим

АПРЕЛЬ ОЙИДАГИ МУҲИМ САНАЛАР

2 апрель

Халқаро болалар китоби куни.

7 апрель

Бутунжаҳон Саломатлик куни.

9 апрель

Соҳибқирон, марказлашган буюк давлат асосчиси Амир Темур таваллуд топган кун (1336 – 1405 й.й.).

12 апрель

Бутунжаҳон авиация ва космонавтика куни.

15 апрель

Илм-фан куни.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлган кун (1995 й.).

18 апрель

Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш куни.

22 апрель

Халқаро оламни асраш куни (1990 й.).

23 апрель

Халқаро китоб ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни.

26 апрель

Ўзбекистон Республикасининг «Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган кун (1996 й.).

Ҳарбий қисм ва муассасалар командир (бошлиқларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларига эслатма:

Жорий йил апрель ойи учун шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар олиб бориш, маданий-маърифий ишлар ўтказиш режасига юқорида кўрсатилган муҳим саналарга бағишлаб, тематик кечалар, давра суҳбатлари сингари тадбирларни киритиш, марказлашган буюк давлат асосчиси Амир Темур таваллуд топган кун муносабати билан алоҳида режа тузиш тавсия этилади.

Ўтказилган тадбирларга олимлар, тарихчилар, адабиёт ва санъат намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ

26 МАРТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Гўзаллик сабоғи».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Баланд тоғлар остида» фильми.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 «Юсуф ва Зулайҳо». Видеофильм.
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Сичуанлик меҳрибон». Телеспектакль. 1-қисм.
12.25 ТВ-анонс.
12.30 «Сичуанлик меҳрибон». Телеспектакль. 2-қисм.
13.50 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Наврўз оҳанглари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Одами эрсанг...»
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наврўз саёҳати».
17.45 «Оҳанглар оғушида».
17.55 «Ерга меҳр — элга меҳр».
18.20 «Ўзбекистон аёли».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 ТВ-анонс.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
Телесериал премьераси.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Икки тақдир». Телесериал премьераси (Ҳиндистон).
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». Видеофильм. 1-қисм.
23.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 UzEX.
18.10 Кино-SMS.
18.15 «Тасвир ва таассурот». Поль Гоген.
18.30 SMS-мусиқа.
18.50 Эълонлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 UzEX.
20.15 Қонун ижроси.
20.25 «Юртимда Наврўз кезар»
20.35 Кўклам наволари.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 Подводный мир: «Чудеса морских глубин-2».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Авиатор». 1-қисм.
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Талқин». Информационно-таҳлилий кўрсатув.
9.35 «Перевёртыши». Сериал.
10.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.30 «Детективы».
10.50 «Мониторинг».
11.10 Эркин кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
11.35 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.20 «В благоухании цветов». Сериал.
21.10 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Мусиқий тайм».
22.00 Спортивное кино: «Бунтарка». Художественный фильм.
23.40 ПрофРИНГ.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 МАРТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.15 «Баланд тоғлар остида» фильми.
9.45 «Ерга меҳр — элга меҳр».
10.15 «Юсуф ва Зулайҳо». Видеофильм.
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд — 2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўсимликлар дунёси».
12.20 «Умр дафтари». М. Уйғур. 1-қисм.
12.45 «Умр дафтари». М. Уйғур. 2-қисм.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Заковат».
16.20 «Бир ўлка-ки...»
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 ИИВ хабарлари.
17.40 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Агар Сиз»
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқдан нур». Тошкент — ислом маданияти пойтахти-2007.
22.10 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
22.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». 2-қисм.
23.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ» ахборот-кўнгилочар дастури.
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Омон бўлинг!
9.25 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
10.00 Давр.
10.15 Journal.
10.35 Дуторчи қизлар.
10.55 Паноҳ.
11.10 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Буюк Амир Темур».
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Мультсериал.
13.40 Болалар шеърияти.
13.50 Болажон.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!»
15.35 «Мафтункор ва бетакрор»
15.40 Олис манзиллар.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Ғазал мулки.
16.30 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.10 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили: «Меъёр — соғлиқ гарови».
17.30 Ватанпарвар.
18.30 SMS-мусиқа.
18.50 Эълонлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 JOKER телелотереяси.
20.20 KINOMANIYA.
20.50 Кино-SMS.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

ТЕАТР КУНИ.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Подводный мир: «Чудеса морских глубин-3».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 Театр кунига. «Премьера».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Авиатор». 2-қисм.
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Перевёртыши». Сериал.
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Детективы».
Ўзбекистон чемпионатларида:
10.40 Белбоғли олиш кураши.
11.10 Мини-футбол.
11.45 Кикбоксинг.
12.05 Эркин кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спорт — менинг ҳаётим».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Сам себе режиссёр».
19.30 Чемпионлар лигаси қудалиги.
20.00 «Вести».
20.20 «В благоухании цветов». Сериал.
21.10 «Мусиқий тайм».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Приключенческий экран: «Сокровища нации».
22.55 Еврофутбол. Евро-2008 саралаш бахси. Голландия — Румыния.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 МАРТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Баланд тоғлар остида» фильми.
2. «Булутли ўлкаларда сайр». Мультфильм.
9.50 ИИВ хабарлари.
10.10 «Юсуф ва Зулайҳо». Видеофильм.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
12.20 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Наврўз оҳанглари».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «50/50». Ток-шоу.
16.10 «Фарз ва қарз».
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Эркин иқтисодиёт».
17.35 «Самарқандда Наврўз». Маърифий-мусиқий дастур.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.15 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». Видеофильм. 3-қисм.
23.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Омон бўлинг!
9.25 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Бу шундай бўлган эди».
10.40 KINOMANIYA.
11.10 «Буюк Амир Темур».
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Мультсериал.
13.40 Шоҳсупа.
14.00 «ЯНГИ КУН» ахборот-кўнгилочар дастури.
15.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!»
15.35 «Мафтункор ва бетакрор»
15.40 «Тасвир ва таассурот».
Поль Гоген.
16.00 Давр.
16.15 Ғазал мулки.
16.30 «Муҳаббат қаҳваси».
17.10 Кино-SMS.
17.15 «Ушалган орзулар». Фильм.
17.50 Қонун ижроси.
18.00 Истиқбол тимсоллари.
18.10 Тараққиёт сари.
18.30 SMS-мусиқа.
18.50 Эълонлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.20 Автопатруль.
20.35 Кўклам наволари.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Ҳимоя».
10.10 «Репортаж».
10.20 «Кичкинтой». Бадиий фильм.
17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 Подводный мир: «Чудеса морских глубин-3».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Юртим жамоли».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.50 «Сеть».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Перевёртыши». Сериал.
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Детективы».
Ўзбекистон чемпионатларида:
10.40 Белбоғли олиш кураши.
11.10 Мини-футбол.
11.45 Эркин кураш.
Ўзбекистон биринчилиги.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Белида белбоғи борлар».
19.10 Футбол мундиал.
19.35 «Новая экономика».
20.00 «Вести».
20.25 «В благоухании цветов». Сериал.
21.15 «Мусиқий тайм».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Приключенческий экран: «Сокровища нации».
22.55 Еврофутбол.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 МАРТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». Видеофильм.
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
2. «Баланд тоғлар остида» фильми.
10.25 «Юсуф ва Зулайҳо». Видеофильм.
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 Самарқанд — 2750.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Наврўз нашидаси».
12.30 «Ҳаёт манзаралари».
12.40 «Бир асар тарихи».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Олтин мерос.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Бир ўлка-ки...»
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Шифокор қабулида».
17.50 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Сиёсат оламида».
18.20 «Ҳиммат».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида». Видеофильм. 4-қисм.
23.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Омон бўлинг!
9.25 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Меъёр — соғлиқ гарови.
10.40 Автопатрул.
10.55 Олис манзиллар.
11.10 «Буюк Амир Темур».
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Мультсериал.
13.40 Болалар табассуми.
13.45 Хазина.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Қадимий ва афсонавий Марғилон!»
15.30 «Мафтункор ва бетакрор»
15.35 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Мурувват».
15.45 Солиқ хизмати.
16.00 Давр.
16.15 Ғазал мулки.
16.30 «Муҳаббат қаҳваси».
17.10 «Наврўз фантазияси». Бадиий-мусиқий видеофильм.
18.10 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили: «Матонат».
18.25 Каталог.
18.35 SMS-мусиқа.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.15 Кино-SMS.
20.20 Кўклам наволари.
20.45 Давр-репортаж.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Хор жамоасининг концерти».
9.45 «Муқаддас қадамжолар».
10.20 «Интервью».
10.35 «Биринчи бўса».
18.00 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Тошкент ва тошкентлик-лар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.50 «Сеть».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Перевёртыши». Сериал.
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Детективы».
Ўзбекистон чемпионатларида:
10.40 Мини-футбол.
11.15 Кикбоксинг.
11.35 Эркин кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
12.00 Теннис.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Спортклуб».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «АВТОграф».
19.10 «Кўп яшанг».
19.35 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
20.20 «В благоухании цветов». Сериал.
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Мусиқий тайм».
22.00 «Беллашув». Дам олиш дастури.
23.00 Еврофутбол.
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 МАРТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
«Болалар сайёраси»:
9.15 «Цирк, цирк, цирк».
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Юсуф ва Зулайҳо».
10.45 «Молия ва банк хабарлари».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 Самарқанд — 2750.
12.00 «Наврўз нашидаси».
12.20 «Қорақалпоқнома».
12.40 «Назм ва наво».
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Зилол». Наврўз қўшиқлари.
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.05 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.25 «Меҳр кўзда».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ анонс.
17.15 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Саломатлик» дастури.
17.35 «Фанимиз дарғалари». 1-қисм.
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.20 «Фанимиз дарғалари». 2-қисм.
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.15 «Бизнес янгиликлари».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари».
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
23.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Болалар табассуми.
9.20 Омон бўлинг!
9.25 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Солиқ хизмати.
10.30 Интерфутбол.
12.00 Давр-репортаж.
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Мультсериал.
13.40 У ким? Бу нима?
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 Мурувват.
15.10 «Орзулар майдони».
15.40 Истиқбол тимсоллари.
16.00 Давр.
16.15 Ғазал мулки.
16.30 «Муҳаббат қаҳваси».
17.10 Кино-SMS.
17.15 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Ўзбекистон дурдоналари».
17.25 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили: «Таълим ва тараққиёт».
17.40 «Юртимда Наврўз кезар»
17.50 Наврўз наволари.
18.00 Паноҳ.
18.15 Автопатруль.
18.30 SMS-мусиқа.
18.45 Сифат белгиси.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.20 Дунё таомлари.
20.40 Кўклам наволари.
20.55 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 «Саломея». Сериал.
00.10 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Келажакка интилиб».
10.15 «Иқтисод-ревю».
10.30 «Сени излаб».
17.55 «Афиша».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Подводный мир.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.50 «На связи».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов+».
9.05 «Хабарлар» (рус тилида).
9.25 «Перевёртыши». Сериал.
9.50 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.10 «Детективы».
10.40 «Ринг».
11.10 Мини-футбол. Ўзбекистон чемпионати.
11.45 Снукер.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Баҳодирлар ўйини».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Вести».
20.20 «В благоухании цветов». Сериал.
21.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Мусиқий тайм».
22.00 Историческое кино: «Дом летающих кинжалов».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

31 МАРТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
9.25 «Шифокор қабулида».
9.50 ТВ-анонс.
9.55 «Ҳидоят сари».
10.15 1. «Чинсен». 2. «Маврид».
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Янги оҳанглар».
12.15 «Интеллектуал ринг».
13.00 ТВ анонс.
13.05 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 «Наврўз оҳанглари».
13.55 Дунё иқлими.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Бекат».
14.45 «Аршин мол-олан».
Бадиий фильм.
16.05 «Меҳр кўзда».
«Болалар сайёраси»:
16.45 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.40 ТВ-анонс.
17.45 «Одами эрсанг...»
18.05 «Саломатлик сирлари».
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Дам бу дамдир».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Кўнгил қўшиқ истайди». Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова.
22.25 «КиноТеатр».
22.55 «Темир хотин».
Бадиий фильм. 1-қисм.
24.00 Тунги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Анонс.
9.20 Омон бўлинг!
9.25 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
9.55 Иқлим.
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 Автопатруль.
10.35 «Ўзбекистон дурдоналари».
10.45 «Денгиз аҳли». Мультфильм.
12.05 Кино-SMS.
12.10 Ишқ ва наво.
12.20 «Муҳаббат дардлари».
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 Бола тилидан.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 Матонат.
15.15 «Наврўз муборак!» Ҳужжатли фильм.
15.35 Ўчпичи қўпироқ.
15.55 Иқлим.
16.00 Давр.
16.15 Ғазал мулки.
16.30 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
17.50 Каталог.
18.00 Нафосат оламн.
18.10 «У аслида ким?»
18.30 SMS-мусиқа.
18.50 Эълонлар.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 «Ёр сайёраси» маърифий дастури. 6-қисм.
20.20 Паноҳ.
20.35 Эълонлар.
20.40 Кўклам наволари.
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 SMS-мусиқа.
22.45 Жаҳон киноси: «Ака-ука Гриммлар».
00.35 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Дилқаш наволар»: Абдурашид Йўлдошев.
10.05 «Маърифат фидойилари».
10.45 «Репортаж».
11.00 «Бедолаги».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Мусиқа SMS».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Подводный мир: «Подводный космос-1».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?»
22.50 «Мумия».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 Мультфильм.
8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Улыбка».
9.10 «Смак».
9.50 «Хабарлар» (рус тилида).
10.10 «Перевёртыши». Сериал.
10.35 Мини-футбол.
11.10 «Иқтидор». Интелектуал шоу-дастури.
11.55 «Властелин горы».
12.50 «Рондо». Шоу-программа.
13.35 «Дунё гўзаллиги сендадир, аёл!»
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» — «Пасаф». Тўртдан-тўрти олиб қурсатилади.
18.00 «Болалар олами».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.15 «Фоторевю».
19.30 «Файзли оилона».
19.50 «Суперлото».
20.00 «Вести».
20.20 «Мусиқий тайм».
20.35 «Звездный матч».
20.50, 21.50 «Цирк со звездами».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
22.50 «Маленькая мисс Счастье». Лирическая комедия.
00.25 «Турнир хитов».
00.45 «Империя кикбоксинга».
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

1 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Беодоб бола». Мультфильм.
8.55 ТВ-анонс.
9.00 «Саломатлик сирлари».
9.20 «Оҳанрабо».
10.00 «КулдиРИНГ».
10.35 «Ҳаёт давом этади».
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Оила ришталари». Телесериал.
11.35 «Дил таронаси».
11.45 «CINEMA.UZ».
12.10 «Ёз кунларининг бирида». Видеофильм.
13.00 «Наврўз оҳанглари».
13.10 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
14.00 «Хавфли бурилиш». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
15.35 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Томоша»да Наврўз».
16.40 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
17.10 «Ҳамон ёдимда»
17.30 ТВ-анонс.
17.35 «Ҳамон ёдимда»
17.55 «Насриддиннинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50/50». Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Заковат».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Темир хотин».
Бадиий фильм. 2-қисм.
00.15 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Ёмғир симфонияси». Сериал.
9.10 Тараққиёт сари.
9.30 Болалар даврасн.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Дунё таомлари.
11.40 «Гап йўқ» ҳажвий дастури.
12.20 Ишқ ва наво.
12.30 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
15.30 «Ҳандалак» ҳажвий дастури.
15.55 Ринг қироллари.
16.40 Миллий кино: «Қизилжарлик Эшмат».
18.15 «У аслида ким?»
18.35 SMS-мусиқа.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 «Куз эртаги». Сериал.
20.30 KINOMANIYA.
21.00 «Куз эртаги». Сериал.
22.20 Кино-SMS.
22.25 Эълонлар.
22.30 Кўклам наволари.
22.45 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Кинокомедия.
00.15 Ватаним!

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.20, 18.55 «Телекурьер-маркет».
9.45 Мультфильм.
10.00 «Интервью».
10.20 «Кавказ асираси».
11.40 «Истеъдод».
12.15 Мультфильм.
13.25 «Дорихона эшитади».
14.15 «Бриллиантовая рука».
15.50 «Телекурьер-маркет».
16.10 «Чарли и шоколадная фабрика». Премьера.
18.05 «Жозиба».
18.25 «Саргузаштлар ороли».
19.15 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.50 «Бир куни Афанди».
21.10 «Шунақа гаплар».
21.30 «Дилқаш наволар»: Шоҳсанам Отаева.
22.00 «Туризм ҳақида».
22.30 «Мумия возвращается».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Ровес

ЮКСАК ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тинчлигимиз, хавфсизлигимизнинг, сарҳадларимизнинг метин қалқони бўла оладиган, ҳар жиҳатдан қудратли, қуроляроғ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантиришни ният қилдик. Таъкидланаётган устувор мақсадга эришишда, табиийки, офицерлар корпусига улкан масъулият юкланади. Эътироф этиш жоизки, миллий армиямизга тамал тоши қўйган илк давримизданоқ офицерлар тайёрлашга, Қуролли Кучларимизни миллий кадрлар ҳисобига бутлашга улкан эътибор қаратилди. Бир сўз билан айтганда, барча бўғиндаги командирларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз таркибини сифат жиҳатидан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган командирлар билан тўлдириш имконини беряпти. Хўш, бугунги кун талаблари деганда нимани тушунмоқ керак? Қисман бунга изоҳ берилди. Яъни пухта тайёргарликка, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш ҳақидаги фикрларни назарда тутяпмиз.

Замонавий, профессионал асосдаги миллий армияни шакллантириш ўз-ўзидан қўшинлардаги жанговар тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, Қуролли Кучлар турлари, хиллари ўртасидаги ўзаро тезкор уйғунликни, шахсий таркибнинг жанговар ўқув тайёргарликларини сифатли ўзлаштиришларини, соғлом рақобатни таъминлашни тақозо этади. Бугуннинг офицери нафақат жисмонан баркамол, балки юксак ақл-заковатга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлмоғи керак. Демак, офицер учун интеллектуал тайёргарлик устувор йўналиш ҳисобланади. Интеллектуал салоҳиятга эга офицерда ақл-заковат, ҳарбий малака, ҳар қандай шароитда ҳам оқилона қарор қабул қила олиш санъати шаклланади. Бу эса офицер – командирда юксак масъулиятлиликни тарбиялайди.

Офицер – аскар, сержантларга устоз. Шу маънода олиб қараганда, шахсий таркиб ундан, етакчилик қобилиятидан ўрнак олади. Демак, шахсий таркиб ортидан эргашар экан, командир ишончли бўлиши керак. Аниқроғи, уларнинг ишончини оқлай биладиган бўлмоғи даркор. Бу эса аввало бурчга, танлаган касбига, қасамёдига садоқат билан ўлчанади. Офицерлигидан фахрланса, ғурурланса, Ватан ҳимоясини ҳамма нарсадан устун қўйса, сафдошлари унга ишонишади. Ундан ибрат олишади. Билишадики, ҳеч қачон панд бермайди.

Эртага офицерлик либосини кийишга шай турган курсант буни англаши керак. Эндигина офицерлик ҳаётига қадам қўйган ўғлон юрак-юрагидан буни ҳис қилиши лозим. Аввало ўз-ўзингизга савол беринг: «Мен нима учун офицерлик касбини танладим? Миллий армиямиз шаклланиши, Ватан, истиқлол ҳимояси янада мустаҳкам бўлиши учун нима қилмоғим керак?».

Курсантлигиданоқ жасорат, матонат кўрсатган, демакки танлаган касби билан фахрланадиган, ғурурланадиган, юрт ҳимоясини муқаддас санайдиган бир йигитни биламан. У Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган Иқбол Нишонов бўлади. Тошкент вилояти тоғли ҳудудларига бостириб киришга уринган бир гуруҳ халқаро террорчиларни тор-мор этишда матонат кўрсатди, ўзбекнинг бу алпи. Ҳатто яradор бўлиб, мадори қуриб қолса-да бурчига содиқ қолди. Маккор ғанимга зарба беришга, демакки истиқлолини, истиқболини ҳимоялашга куч топа билди. У қандайин куч? Таъбир жоиз бўлса, бу куч туғилиб ўсган заминига муҳаббатдан, юқорида таъкидланаётган фахр, ғурур, садоқат каби улуғвор туйғулардан озиқланган неъмат деган бўлардим.

Ёки бўлмаса ёш офицер лейтенант Максим Отриченконинг жасоратини олайлик.

...Навбатдаги синовлар ўтказилаётган вақтда беихтиёрий кўтарилиш натижасида вертолёт экипажга бўйсунмай қолади. Лейтенант Максим Отриченко босиқлик билан, хотиржамлик билан ҳаракат қилиб, бор тажрибаси, билимини ишга солиб, жанговар вертолёт «тизгинини» қўлга олмоқчи бўлди. Бироқ техника барибир унга бўйсунмади. Демак, бошқа илож бўлмагач, вертолётдан сакраши, жонини омон сақлаб қолиши мумкин.

Вертолётнинг парвоз йўналиши аҳоли зич яшайдиган – мактаб, касалхона, болалар боғчалари, саноат корхоналари жойлашган ҳудудга тўғри келди. Бундайин ҳолатда экипажнинг ва айниқса, лейтенант Отриченконинг кўз олдига бошқарув «тизгини» қўлдан чиққан вертолёт аввало тинч аҳолига катта зиён-заҳмат етказиши мумкинлиги келиб, жонини сақлаб қолишга уринишмади. Экипаж маҳорати, жасорати туфайли бошқарувни тамомила йўқотган бўлса-да, вертолёт хавфсиз ҳудудга, аҳоли яшайдиган жойдан четга олиб чиқишга муваффақ бўлинди. Мард, жасур офицер, мо-

БУГУННИНГ ОФИЦЕРИ НАФАҚАТ ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ, БАЛКИ ЮКСАК АҚЛ-ЗАКОВАТГА, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛМОҒИ КЕРАК.

ҳир учувчи Максим Отриченко охиригача, сўнгги нафасигача курашди. Офицерлик ғурури, жасорат, юртига, халқига садоқат, танлаган мардлик касбига бўлган муҳаббат унга куч берди. Ўз жонини фидо қилиб, ўзгалар ҳаловатини, ўзгалар тинчлигини, ўзгалар ҳаётини сақлади.

Давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган марҳум капитан Баҳром Жўраевни олайлик. Капитан оғир яраланиб, мадори қуриб борса-да, оқилона қарор қабул қила олди. Вазиятни тўғри идрок этиб, яраланган бир ҳолатда ҳам посбонларга кўрсатма, йўл-йўриқлар беришга ўзида куч топа билди. Ўқ ёмғири остида, ҳаёти шами сўна бошлаган бир ҳолатда ҳам взводга буйруқ беришда давом этди. Командирининг жасоратидан, қаҳрамонлигидан руҳланган взвод шахсий таркиби ўзлари учун қулай тактик маррага ўтиб олишиб, душманга зарба беришди.

Келтирилган мисолларнинг барида умумлаштирувчи бир жиҳат бор. Бу садоқат, бу матонат, бу жасорат, бу танланган касбдан фахрланиш, ғурурланиш. Қувонарлиси шундаки, бугуннинг офицерлари юраклари бундайин туйғулар билан уриб турибди.

Табиийки, офицерлар корпусини профессионал даражада тайёрлаш йўлида Мудофаа вазирлиги томонидан муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аввало олий ҳарбий билим юртлари инфратузилмалари замонавийлаштирилмоқда, уларнинг моддий-ўқув базаси янада такомиллаштирилмоқда. Иккинчидан, ҳарбий таълим тизими замон талаблари асосида шакллантириляпти. Учинчидан, олий ҳарбий билим юртлари ҳузурида малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда офицерлар ҳарб илмининг замонавий усул-услубларини ўрганишмоқда. Тўртинчидан, Қуролли Кучлар академияси ҳузурида олий курслар ташкил этиляптики, бу офицерларимизнинг маҳоратини шакллантирмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг бари ўқувжанговар ва машқ тайёргарлиги тизимининг самарадорлигини янада кучайтириш, замонавий қуроллар ва техникадан моҳирона фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳар қайси ҳарбий хизматчи онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини мустаҳкамлаш, уларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби мақсадларга уйғунлашади. Устувор мақсадларимиз самарасини эса ҳарбий хизмат нуфузининг кун сайин, йил сайин ошиб бораётганида, Ватанга, танланган мардлар касбига муҳаббатга йўғрилган анъаналар шаклланаётганида кўриш мумкин.

Майор Алижон САФАРОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

Яхшилар ёди

ФАНГА БАХШИДА УМР...

Дунёда шундай эзгу иш, олий мақсад борки, фақат угина инсонни абадийлик сари етаклайди. Бу табиийки, рўйи-заминга яхшилик уруғини сочиш, олижаноб ишларни адоғига етказиш, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлиб, мангуликка ўзидан яхши ном қолдиришдир. Яхшидан боғ қолади, дейишади. Илм-фан ривожига ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиб келаётган академик Шавкат Аюпов билан суҳбатлашганимда соҳанинг заҳматли йўлларини босиб ўтишларида, фан чўққисини забт этишларида устозлари марҳум академик Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовнинг хизматлари беқиёс эканини мамнуният билан ёдга олиб, унинг бу борадаги олижаноб ишларини санади.

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг таниқли намояндаси Тошмуҳаммад Саримсоқов ўзидан жуда катта илмий мерос билан бир қаторда кўплаб шогирдлар қолдирган аллома эди.

Олим 1915 йилнинг сентябрь ойида Андижонда таваллуд топди. У Қўқондаги мактабда таълим олди. Мактабни тугатгач, Тошкент давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди.

Таниқли олим В.Романовский раҳбарлиги остида эҳтимоллик назарияси, геофизика метеорологияси мавзусини асос қилиб, илмий тадқиқотлар олиб борди. Ўзбек математика фани асосчиларидан бири Тошмуҳаммад Саримсоқов 27 ёшидаёқ физика-математика фанлари доктори унвонига сазовор бўлди.

Олим илмий фаолияти давомида математик статистика, эҳтимоллар назарияси бўйича жуда катта ва салмоқли илмий иш олиб борган ва 1950 йилларга келиб математиканинг янги соҳаси – функционал анализ тармоғига асос солган. 1960 йилларгача тармоқни янада ривожлантириш, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш борасида шундай саъй-ҳаракатлар олиб борилдики, бунинг натижаси ўлароқ, математика фанида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди.

Академик Тошмуҳаммад Саримсоқов 140дан ортиқ илмий ишлар, 7 монография, 2 дарслик, шунингдек, бир қанча илмий оммабоп мақолаларнинг муаллифидир. У қарийб ўн йил давомида Тошкент Давлат университетининг ректори, беш йил давомида Ўзбекистон фанлар академиясининг президенти, 12 йилдан зиёдроқ республика олий ва ўрта махсум таълим вазири лавозимларида фаолият кўрсатган.

Илмий фаолиятини давом эттирар экан, у етишиб келаётган кадрларга катта умид боғлади, қобилиятли ёш олимларга улкан эътибор берди. Унинг шогирдлари орасидан 50 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиққан.

Таъкидлаш жоизки, Тошмуҳаммад Саримсоқов ҳаёти давомида таниқли олим, фан ва жамоат арбоби сифатида дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон илм-фанини жаҳонга танитди. Олим илм-фаннинг ривожига қўшган улкан ҳиссаси, илмий кадрларни тайёрлаш ишларидаги фаоллиги учун давлатимиз томонидан бир қанча орден ва медаллар билан мукофотланган.

Олимнинг намунали ҳаёт йўли, қолдирган илмий мероси, Ватанга, фанга бўлган фидойилиги барчамизга ўрнакдир. Хулоса ўрнида шайх Саъдий Шерозий айтганларидек:

«Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолгусидир яхши номи-ю иши»,

демоқчи эдик.

Фозилжон СОБИРОВ.

БОЙ МАНБАГА ЭГА СОҲА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Енгил саноатда пахта, ипак, зиғир, каноп, ҳайвонлар териси, жуни, сунъий толалар, сунъий чарм хомашё сифатида фойдаланилади. Унинг асосий тармоқлари тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, мўйнадўзлик, пойабзал саноатлари ҳисобланади. Енгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, мебелсозлик, авиация, автомобиль, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларида, қишлоқ хўжалиги, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Ўзбекистонда енгил саноат маҳсулотларини саноат асосида ишлаб чиқариш ўн тўққизинчи асрнинг охирларида, 1874 йилда Тошкент шаҳрида пахта тозалаш заводи қурилиши билан асос солинган. Йигирманчи аср бошларида енгил саноат соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, ялпи саноат маҳсулотларининг қарийб бешдан тўрт қисми шу соҳага тўғри келган. Кейинчалик пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, чарм-галантерея, поайбзал фабрикалари қурила бошлади, республиканинг ўзида етиштирилган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида майда тарқоқ ҳунармандларни бирлаштириб, саноат асоси яратилди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, енгил саноатга ҳам катта эътибор қаратилди. Тармоқлар кенгайиб, янги сифат босқичига кўтарилди. Маълумки, Республика ҳукуматининг қарорига биноан тармоқдаги деярли барча корхоналар давлат тасарруфидан чиқариш дастурига кўра очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. 1991 йилда республика енгил саноати вазирлиги тугатилиб, унинг негизида мажмуада давлат бошқарувини амалга оширадиган енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган давлат уюшмаси – «Ўзбекенгилсаноат», 1998 йилда пиллачилик ва ипакчилик тармоқларига раҳбарликни амалга оширадиган «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил қилинди. 2000 йилда «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси тузилди.

1991– 2000 йилларда тармоқ бўйича 22 лойиҳа амалга оширилди, жумладан Корея Республикасининг «Кабул Текстайдз» фирмаси иштирокида Тошкент ва Тўйтепа шаҳарларида жойлашган «Кабул –Ўзбек К», Фарғона тўқимачилик комбинатини қайта жиҳозлаш асосида « Кабул-Фарғона К» қўшма корхоналари ишга туширилди. Наманганда Туркиянинг «Астон» фирмаси билан ҳамкорликда «Аснам текстиль», «Тимас» ва ТИМИ» фирмалари билан «Косонсой-Текмен» қўшма корхоналари, Қаршида «Каштекс», Гурланда «Гурлантекс», Андижонда «Антекс» тўқимачилик мажмуалари қурилди. «Фарғонапойабзал» акциядорлик жамияти билан Германия-нинг «Саламандер» фирмаси иштирокида «Ўзсаламан» қўшма корхонаси ишга туширилди.Айни пайтда Ўзбекистон Енгил саноати кўп тармоқли индустриал мажмуа бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик, трикотаж, пиллакашлик, шойи тўқиш, тикувчилик, кўн-пойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва авторлик моллари ишлаб чиқарадиган 200га яқин корхона бор. Шулардан 70 таси 1994-2006 йилларда чет эл капитали иштирокида ташкил қилинган корхоналардир.

РЕСПУБЛИКА САНОАТ МАҲСУЛОТИ УМУМИЙ ҲАЖМИДА ЕНГИЛ САНОАТ ҲИССАСИ КАТТА САЛМОҚҚА ЭГА ВА 2006 ЙИЛДА 20% НИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

Ўтган йили ушбу жамоалар жами 542 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрлади, йиллик режа 155% бажарилди. Республика саноатида маҳсулоти умумий ҳажмида Енгил саноат ҳиссаси катта салмоққа эга ва 2006 йилда 20% ни ташкил қилди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари пахта толасини ишлашни 50% га етказиш стратегик йўналишлардан бири этиб белгилаган. Бунинг учун эса эскирган, ўз муддатини ўтаб бўлган ускуналар асосида иш юритаётган корхоналарни модернизация қилиш, янги ташкил этилаётганларини эса замонавий технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 13 ноябрь ҳамда 15 ноябрдаги Қарорларига асосан мамлакатимизда тўқимачилик ва ипакни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини ривожлантириш борасида махсус дастурлар қабул қилинган. Унга асосан 2006-2008 йиллар давомида тўқимачилик корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш бўйича 66 та лойиҳа, 2006-2010 йилларда эса ипакчилик саноати корхоналарида 13 та лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилган. Наврўз умумхалқ байрами арафасида янги ташкил этилган, шунингдек, замонавий ускуналар билан қайта жиҳозланган 10 та корхона фойдаланишга топширилди.

2007 йилда хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар иштирокида 20 та янги корхонанинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Бунинг учун 110 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жалб қилинади. Мазкур иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши натижасида ип-калава тайёрлаш ҳажми 50 минг тонна, мато 5 миллион пагон метр, тайёр трикотаж ва тикув маҳсулотлари 7,5 миллион донани ташкил этади. Муҳими, республикамизнинг турли ҳудудларида ташкил қилинаётган ушбу корхоналарда қарийб 6000 га яқин янги ишчи ўринлари яратилади.


Қисқача қилиб айтганда, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 140% га, яъни бошқача айтганда, 790 миллиард сўмга бажаришни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаган.

Барча соҳаларда бўлганидек, Енгил саноат соҳасида ютуқларимиз бисёр. Буни ҳатто чет эллик мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда. Голландиялик мутахассис Х. Гуллер шундай дейди: "Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бир ярим йил муқаддам бошлаган ҳолда Тошкентда иккита тўқимачилик корхонасини очганмиз. Ўтган қисқа вақт мобойнида биз Ўзбекистон раҳбариятининг тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва мамлакатда қулай сармоя муҳитини яратишга қаратаётган юксак эътиборини ўзимиз ҳам ҳис этиб улгурдик".

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидай: **«2007 йил юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. Бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.**

Ана шу юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак».

Абдураззоқ БАЙРАМОВ.



КЎПКАРИДА БИЛИНАР МАРДНИНГ САРАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртнинг олди човоғонлари Алпомиш бобосини хотирлаб, ўзини бу улкан беллашувга ҳозирлаб тура берди. Ҳар томондан томошага лак-лак одам оқиб келаберди. Игна ташлагани жой топилмади, чироқчиликман деганининг эшиги шу куни ёпилмади. Меҳмон кўп бўлди. Эл тўйининг солими (соврини) анча каттага ўхшайди. Салкам минг чавандоз ўзини майдонга шайлади, оқсоқоллар, кайвонилар келишиб, тажрибали, адолатли баковулларни сайлади. Зотларга зўр совринлар қўйилади, ҳар чеккада совға-салом уюлади.

Шундан сўнг кўпкари беллашувларини номдор оқсоқол полвонлар улоқ тортишиб бошлаб беришади. Бунга ҳамоҳанг Азим бахши ҳиргойи қилади:

Кўринг чавандозу отти,
Оламан деб энг катта зотти.
Ўзини даррага отти.
Жийрону саманлар кишнай берди,
Бедову тўриқлар чавандози устида
Алам билан бир-бирин тишлай берди.
Азбаройи ор учун майдонга тушган боболарнинг оппоқ соқоли селкиллайди-ей,
Остида Бойчибордай зотли оти бор чавандоз керилиб, ўйинга тушиб ликиллайди-ей!

Ҳаммасининг шашти баланд, завқи ошди, шавқи тошади. Баковул «Қоҳма» деб айтади. Бунда чавандозлар катта беллашувдаги совринлар учун отини совутади. Полвон боболар буни кўриб, ёшлигини эсга олиб ўзларини овутади.... бу баҳслар чавандоз ва отлар учун қизишиш машғулоти вазифасини ўтайди. Чунки, дарров катта солимга чопиш, отни ва чавандозни оғритириб, турли жароҳатлар олишига сабаб бўлиши мумкин.

Сўнгра эса мана-ман деган отларни бошқарган донгдор чавандоз полвонлар ўртасида асосий беллашувлар бошланади. Отлар туёғи товушидан ер ларзага келади, чавандознинг жони қаттиқ, ўзини ўртага уриб, отни елдиради. Улоқни олган Юсуф полвон пойга қилиб, марра белгилаб қайтади, баковуллар каттакатта зотлар айтади. Чавандозлар «ҳув» дея от солади, бир нечтаси билмадим ортда қолади. Маррадаги улоқни талаша-талаша Юсуф полвон уни ердан узиб, «зув» кўтариб, тақимига босиб олади. Айрим ғирром полвонлар чилвир солишга, така пойчасини тугиб олиш пайида бўлади. Шунда ҳам зўрларни зўри абжирлик билан йиқилмай айтилган ергача етиб келади, мисоли қўш янглиғ елади. Унга ҳеч ким бас келолмади, ҳатто чапдаст четгирлар ҳам маҳоратда тенг келолмайди. Чавандознинг минган ҳамроҳи чагирлигини билиб, зўрни тан олмасликка ботинолмади. Шунда баковулнинг жарангдор қичқириғи, «тақимда чиқариб, ҳалоллайсан, туйма, чилвир сомай яккалайсан, оласан, Юсуф полвоннинг зоти ҳалол», деган ғалаба хушхабаридан ғолиб от ҳам мағрур кишнайди. Беллашувнинг бош соврини Юсуф полвон Ҳайдаровга насиб этди. У яна улоқ чопиш иштиёқи кучлилик қилиб, отини совитиб, жийрон ва саманларни ҳам кўпкарига оралатди. Шу тўйда Юсуф полвон 8 марта улоқни айриб чиқди. Пул, гиламлар, кигиз ва бошқа солимлардан ташқари 2та тана, 7 та қўй, бир бўталоқ туяни ажратди. Кўпкари тугаса, қараса бир дунё зот. Бир-иккита жонлиқни қария ва бева- бечораларга ҳадя қилиб кетибди.

Қийматидан кўра қадри, нуфузи юқори солимлардан бири - тўйнинг момотуйин (тугун) совринига эга бўлиш – чавандозларнинг олий мақсадларидан биридир. Чунки момолар ўғил невара туғилгандан бошлаб, унинг тўйи кўпкарисига атаб алоҳида сарполар, қимматбаҳо тақинчоқлари кабиларни тугунга тугиб, тақдим этишади. Бу соврин учун чавандозлар бутун орияту ғурурини тикади. Чунки уни кўлга киритиб, онасига ва аҳли аёлига тақдим этади. Дуолар тагида қолади.

Беллашувлар қизғин тус олиб, отларнинг дупури ва пишқириғи, ишқибозларнинг эса қийчувлари бир-бирига қўшилиб кетди. Шунда кўктошлик Овлоёр полвон ҳам момотуғунни олиш ниятида Мейли бобонинг «қизил тўриси» билан даррага қўшилмоқчи. От ўта асов ва қаҳру ғазабли бўлиб, жилови ҳам қаттиқ, уни миниша унча муяча чавандознинг юраги дов беролмасди. Полвон унга миниш заҳоти жиловини маҳкам ушлаб, ўнгу сўлга қаттиқ қамчи босди. Шунда асов тулпор ҳеч нима кўрмагандай олдинги оёқларини кўтарганича ўзини тўдага урди. Улоқни биринчи бўлиб Юсуф полвон пойчасидан олди. Шунда ғайритабиий ҳодиса юз бериб, Овлоёр полвоннинг қизил тўриси улоқни оёқларида босиб, тишлари билан маҳкам тишлаб, ўз эгасига узатди. У шу заҳоти улоқнинг оёғини қайириб, эгар қошига ўраб, тақимга босганича маррага интилаётган пайтда Охун човоғон қизил жийрони билан 7-8 нафар тарафкаш полвонлари ҳамроҳлигида рўпара келиб, қўлидаги ипи ёрдамида чилвир солиб, бир-икки марта бор кучи билан силтаб тортди. Овлоёр чавандоз айримади, балки у томонидан қизил тўрига кетма-кет қамчи зарби йўлланиши отнинг қаҳру ғазабини баттар ошириб, тўдани ёриб ўта бошлади. Воқеалар ривожида улоқ нимтаси тенг иккига бўлиниб кетди. Баковул томонидан саврил ҳайқириғи янгради. Чунки биров йиқилса, улоқ яроқсиз ҳолга келиши каби ҳолатларда кайвонилар томонидан сайланган тажрибали баковуллар томонидан «саврил» буйруғи янграйди.

Катта лейтенант Ўктам ХОЛИҚОВ.
(Давоми бор).

ХАЛҚАРО САНАЛАР

ОБИ ҲАЁТ – ГЛОБАЛ МУАММО



Кейинги пайтларда сиёсатдонлар, табиатшунослар, олимлар сув ресурслари билан боғлиқ муаммо ҳақида бонг уришмоқда. Ҳатто «уруш учун сабаблар изласангиз, сув сизга жуда кўп имкониятларни бериши мумкин», деган фикрлар ҳам илгари сурилмоқда. Дунёнинг асосий қисмини сувликлар эгаллаган бўлсаю, нега энди бу табиий бойлик учун хунрезликлар қилинади, бу борада муаммолар кўтарилади, демоқчисиз-да.

Тўғри, сайёрамизнинг асосий қисми сувликлардан иборат. Аммо шуни яхши билингки, оби ҳаёт захирасининг 97 фоизи шўр. Қолган 3 фоизигина чучук сув холос. Ана шу ичишга яроқли чучук сувимизнинг ҳам 2 фоизи Гренландия музликларида ва ернинг чуқур қатламларида. Ана энди чўтда қолган рақамга ажабланиб қараяпсизми? Демак, ўз-ўзидан аёнки, дунёдаги чучук сувларнинг бир фоизигина дарёлар, кўллар, ирмоқлар ва бошқа манбалар улушига тўғри келади.

2100 йилга бориб, башар аҳли тахминан 12 миллиардга етиши кўзланмоқда. Ичимлик суви эса йилига 14 триллион кубометрлигича қоларкан. Демак, 6 миллиард аҳоли билан ҳам сув истеъмолининг ҳажми шундай, 12 миллиард билан ҳам. Ана, муаммонинг моҳияти нимада. Бундан ташқари кун сайин ўсаётган саноат истеъмоли, қишлоқ хўжалиги истеъмоли улушини ҳам кўз олдимизга келтирсак, дўппини бошдан олиб, ўйлашга мажбур бўламиз.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига суянадиган бўлсак, бугун дунёда 2 миллиарддан ортиқ одам сифатли ичимлик суви етишмаслигидан азобланаяпти. Жаҳонда юқумли касалликлар оқибатидаги болалар ўлимининг тахминан 60 фоизи антисанитар ҳолатлар ва сифатсиз ичимлик сувига боғлиқ.

Айрим маълумотларга кўра, бугунга келиб Европа дарёларининг бор-йўғи 10 фоизга яқини ифлосланмаган. Осиёда эса улкан шаҳарлар ичидан ўтувчи дарёларнинг ифлосланганлик даражаси юқори. Сув ифлосланиши бўйича «етакчилар» сирасига Бельгия, Марокаш, Ҳиндистон, Иордания ва Суданни қўшиш мумкин. Ҳар йили саноат корхоналари томонидан чиқариладиган чиқинди сувлари натижасида дунё бўйича оби ҳаёт манбаларига 300 дан 500 тоннагача турли металл, туз ва бошқа кимёвий воситалар қўшилади. АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар улушига бундай чиқиндиларнинг 80 фоиздан зиёдроғи тўғри келаётган экан.

Расмий маълумотларга кўра минтақамиздаги энг муҳим оби ҳаёт манбаларидан бири бўлган Амударёга йилига 10 миллион куб метр ифлосланган сув тушаркан.

Дунёда трансчегаравий характерга эга, яъни бир нечта суверен давлат ҳудудидан ўтган 261 та дарё ҳавзаси бўлиб, улардан 145 та мамлакат фойдаланишади. Уларнинг учдан бир қисмидан икки ва ундан ортиқ мамлакатлар, 19 тасидан эса беш ёки ундан ортиқ мамлакатлар биргаликда фойданишяпти. Сув ресурсларидан умумжаҳон фойдаланиши тўғрисидаги маърузада сўнгги 50 йиллик таҳлил қилинган. Бу муддат оралиғида 307 та ҳодиса қайд қилиниб, уларнинг 37 тасида куч ишлатилган. Аниқроқ қилиб айтганда, уларнинг 21 тасида ҳарбий ҳаракатлар ишга солинган. Масалан, Исроил, Иордания, Сурия ва Фаластин ўртасида сувдан биргаликда фойдаланиш сабабли келиб чиққан можароларни бу ўринда келтириб ўтиш мумкин. Сўнгги 50 йил мобайнида ўзаро қўшни бўлган бу мамлакатлар ўртасида 18 та ҳарбий тўқнашувлар айнан сув муаммосидан келиб чиққан.

1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюция қабул қилиб, 22 мартни бутунжаҳон сув ресурслари куни сифатида белгилади. Ортда қолган аср охирида бу муаммо инсоният олдига кўндаланг бўлди. Она табиатнинг бу бебаҳо бойлигини ҳаддан зиёд исроф қилаверсак, 2025 йилга бориб, ер юзида 5 миллиардга яқин одам сув танқислигидан азият чекиши ҳақида мутахассислар бонг уришмоқда.

ОФАТЛАРДАН АСРАШ ЙЎЛИДА

Умумжаҳон метеорологик ташкилотининг низоми 1950 йилнинг 23 мартида кучга кирди. Айнан шунинг учун бу кун ана шундайин халқаро сана сифатида нишонланади.

Маълумки, кейинги йилларда экстремал метеорологик ва иқлимий таъсирлар кўлами ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили ана шу таъсирлар натижаси бўлган табиий офатлар натижасида тахминан 250 мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмаркан. Ҳар йили бундайин офатлардан инсоният кўрадиган зарар ўртача 50-100 миллиард АҚШ долларини ташкил этаркан. Масалан, 1991 йил таҳлил қилинганда талафотнинг 90 фоиздан зиёдроғи гидрометеорологик характер касб этгани маълум бўлган. Айниқса, Осиё қитъаси улушига бундайин офатлар кўп тўғри келмоқда. 1990–2000 йиллар оралиғида дунёда табиий офатлар қурбони бўлишган инсонларнинг 80 фоизи тилга олинаётган қитъага тўғри келиши ҳам фикримиз исботидир.

Умумжаҳон метеорологик ташкилоти, хусусан, Умумжаҳон об-ҳаво хизмати бундайин фавқулодда ҳолатлар, табиий офатлардан ўз вақтида аҳолини огоҳ этиш борасида турли дастурлар ишлаб чиққан. Иқлимий тизимнинг дунё бўйича мониторинги шулар жумласидан. Мониторингнинг асосий тизими бўлган қуруқликдаги 10 мингга яқин станция, шунингдек, 1000 га яқин аэрологик станциялар, юзлаб радиолокаторлар, метеорологик маълумотларни олиш ва ретрансляция қилишга мўлжалланган 300 дан зиёд ҳаво кемалари суткасига 75 мингдан зиёд кузатувлар ўтказиш имконини беради. Глобал атмосфера хизматининг 250 га яқин минтақавий ва глобал станциялари эса атмосферанинг кимёвий таркибини мониторинг қилишга замин яратади. Ташкилотнинг устувор мақсадлардан бири бундайин глобал мониторинглар натижаларини ҳар куни барча мамлакатлар олиши учун имкон яратишдир. Шунда атроф-муҳитни ўрганиш, ноқулай, хавфли метеорологик ҳолатлардан ўз вақтида огоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, тилга олинаётган халқаро ташкилот иқлимни тадқиқ этиш умумжаҳон дастурини янада шакллантириш борасида ҳам муҳим ишлар олиб боряпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг бари об-ҳаво, иқлим, сув билан боғлиқ табиий офатлар талафотини камайтиришга хизмат қилади.

Толмас ҚУРБОНОВ.

СЎЗАНАДА ЭРТАНГИ КУН ОРЗУЛАРИ

Бахмалсой қишлоғининг бир чеккасидаги пешайвонли уйда яшовчи беш опа-сингил тикувчилик цехи очишиб, уй-рўзғор юмушларидан бўшаган вақтларида гилам тўқиш, мунчоқли тақинчоқлар, ёстиқ жилдлари каби халқ ҳунармандчилиги билан машғул бўлишди. Улар қўли билан тикилган нарсалардаги кўзни қамаштирувчи ипаклар жилоси ва рангларнинг уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этарди. Манзура оилада кенжа фарзанд бўлганлиги учун опалари изидан борди. Сергайратлиги, тиниб-тинчимаслиги сабаб тикувчилик ва бадиий каштачилик касбларини пухта ўрганди.



Вақт ўтиб Манзура Ғаллаорол туман «Дўстлик» маҳалласига келин бўлиб тушгач, қайнонасининг сандиғида чала қолган сўзана ва бир қанча қадимий нақшларни кўриб, худди йўқотган нарсасини топиб олгандай ҳаяжонга тушди. Янглиш хола серфарзанд бўлгандан рўзғор ташвишларидан ортиб сўзанани охирига етказа олмаганди. У келинининг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканлигини пайқаб, каштаналарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Ёш келин одатдагидан барвақт уйғониб, тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига маҳалладаги ҳавасманд қиз-жувонларнинг келиб, уни кузатишганини пайқамади. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранглари матода ўзгача кўринарди. Қизлар ҳам тезда ишга киришиб кетди. Уларнинг чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган нозик бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё эртанги кун орзу-ўйларини ҳам қўшиб тикаётгандек эди. «Манзурага битта сўзана тиктириб олсам, унинг ҳунарини эгалласам», деганлар жуда кўп эди.

Қўли гул чевар келин Тошкент шаҳридаги «Машҳура» ўқув марказининг тайёрлов курсларида таҳсил олган эмасми, ҳузурига ҳатто қўшни маҳаллалардаги қизжувонлар ҳам келиб турадиган бўлишди. У иштиёқманд ёшларга ўзининг маҳорати сирларини ўргатишдан асло эринмади. Лекин ҳовли-жойи улар билан шуғулланиши учун бирмунча ноқулайлик туғдирарди. Кўп ўтмай икки қаватли замонавий бинога кўчиб ўтишди. Аммо турли тикув машиналари ва дастгоҳлари ҳамда хомашёларни келтиришда бирмунча қийинчиликлар юз берди. Яхшиямки турмуш ўртоғи Ўролбой бор экан. Манзуранинг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қилди. Кўп ўтмай цех саҳни сўзана, дарпарда, бешикжилд, ўринжилд, жойнамоз, келин-куёв либослари каби миллий ҳунармандчилик буюмлари билан тўлиб, шогирдлари ҳам чевар тикувчилар ҳисобига кўпайиб борди.

Бундан уч йил муқаддам «Манзура Ишматова» кичик корхонаси раҳбари бўлмиш мақоламиз қаҳрамони устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириб, қишлоқ жойларида тикувчилик курслари очиб, шу тариқа ёшлар учун янги иш ўринларини кўпайтириш ва касб-ҳунар ўргатиш ташаббуси билан чиққан эди. Эндиликда туманнинг Қангли, Кўкгумбаз, Хонақа ва Болғали қишлоқларида, яъни Гулшан Саримсоқовалар хонадонида гиламчилик, Дилафрўз Ўринбоевалар хонадонида тикувчилик, Нилуфар Мамаражабовалар хонадонида бадиий каштачилик курслари ташкил қилиниб, уларга юзлаб ёшлар жалб қилинди.

Бир неча ой муқаддам тадбиркор Манзура Ишматова Тошкентдаги бир неча ўқув марказларида бўлиб, ҳамкасабалари билан ўзаро тажриба алмашди, энг янги моделларни қўллаш, хотин-қизлар либосларини тикиш, матолар чиқиндисидан гул ясаш ва дизайнерлик бўйича малака ошириб қайтди. Шунингдек, «Ямата» фирмасидан шартнома асосида 14 та ишлаб чиқариш тикув машинаси, уч хил турдаги аверлок чоклари учун ускуна, ўргатувчилар учун 20 та тикув машиналари олиб келинди. Ҳозирда «Дўстлик» ва «Самарқанд» маҳаллаларидаги юзлаб қиз-жувонлар опага шогирд тушиб, нафис, бежирим, бир-бирини такрорламайдиган каштапар тикиб, гилам, эркак ва аёллар кийим-кечаклари тайёрлашмоқда.

Тиниб-тинчимас тадбиркор айниқса, шогирд танлашга алоҳида аҳамият беради. Бугунги кунда у ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган кўплаб оилаларнинг фарзандлари бошини силаб, касб маҳоратларини ўргатиб келаяпти. Ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да опа кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, боқувчисини йўқотган, меҳр-мурувватга муҳтож қарияларга 400 минг сўмлик, бу йил эса 600 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Кичик корхона жамоаси бадиий каштачилик, зардўзлик, замонавий бисер усулида тўқиш-тикиш ишлари билан шуғулланиб, маҳсулотлар сонини 80 турга, ишчи ўринларини 42 тага етказди. Биргина ўтган йили жамоа ишчилари Ғаллаорол иқтисодиёт коллежи ҳамда газ узатиш корхонаси буюртмасига кўра 3 миллион 200 минг сўмлик махсус кийим-кечаклар тайёрлаб берди.


– Ҳаракатда баракат, – дейди Манзура Ишматова. – Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб бормаса, иш кўламини кенгайтирмаса бўлмайди. Шу кунларда элита пардаларининг 50 хилини ишлаб чиқариш, туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда болалар ва аёллар кийим-кечагини яратиш ҳамда «Дўстлик» пахта тозалаш корхонасининг кўплаб буюртмаларини тайёрлашни режалаштирганмиз. Бундан эса янада кўпроқ одамларга фойдамиз тегади.

«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони соҳибаси Манзура Ишматова ўз маҳсулотлари билан ҳар йили вилоят кўрик-танловларида фаол қатнашиб келади. Бу йил эса «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлиб, «Энг яхши тадбиркор» дея эътироф этилди. Донгдор тадбиркор кўрик-танловнинг Тошкентда Президент совғини учун ўтказиладиган республика босқичида ҳам муносиб даражада қатнашишига ишонамиз.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти.

ДОНОРЛИК – ОЛИЙҲИММАТЛИЛИК БЕЛГИСИ

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ



Беморлар саломатлигини тиклаш, ҳаётини сақлаб қолиш ниҳоятда шарафли иш, шундай эмасми? Аслида, жинси, ёши ва касбидан қатъи назар ҳар бир соғлом инсон бу борада ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Қандай, дейсизми? Донорлик қилиб-да.

Кимдир қон топшириш, донор бўлишни соғлиқ учун зарар деб ўйлайди ва ноўрин шубҳаларга боради. Бу масалага аниқлик киритиш мақсадида Мудофаа вазирлиги бош трансфузиологи, Марказий ҳарбий клиник госпитали қон тайёрлаш маркази бошлиғи тиббий хизмат полковниги Исматулла Ғайбуллаев билан суҳбатлашдик:

– Аввало, эътиборингизни қуйидаги маълумотларга қаратмоқчиман. Инсон танасида жами 250 млрд. эритроцит мавжуд бўлиб, кунора унда 2 млрд. ҳужайраларда қон ўлади. Эритроцитлар эса 120 кун яшайди, ҳар 3 йил мобайнида инсон танасида қон миқдори тўлақонли алмашинади. 80 кун ичида эритроцитлар 50 фоизга алмашинса, инсон танасидаги лейкоцитлар бир сутка, тромбоцитлар эса атиги 6 соатгина яшайди. Инсон кунда нафас олиши, озиқланиши, жисмонан толиқиши, терлаши, табиий зўриқишлар натижасида 50–80 мл. қон йўқотади. 400 мл. қон таркибида 3,6 млд. қон ҳужайралари бўлади.

Замонавий тиббиёт илми натижалари, соҳа мутахассисларининг кўп йиллик изланишларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, оз миқдорда қон йўқотиш биологик жиҳатдан хавфсиз бўлиб, донор организмидаги муайян формадаги элементлар, қизил ва оқ қон таначалари таркибига таъсир қилмайди.

Маълумки, барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ихтиёрий равишда қон топшириши тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари ва Мудофаа вазирининг буйруқлари асосида амалга оширилади. Ҳатто, фаолиятлари кўп жисмоний ҳаракатни талаб қилувчи ҳарбий хизматчи донорлар икки ойдан кам бўлмаган оралиқда 400 мл. гача, йилда 4-5 маротаба қон топширгандан сўнг ҳам патологик ўзгаришлар кўзга ташланмайди ҳамда унинг соғлиги, жанговар қобилиятига зарар етмайди. Албатта, донор жисмонан етук ва соғлом бўлиши талаб қилинади.

Аслида қон топшириш инсон организми учун фойдали ҳисобланади. Бунинг натижасида қондаги ҳужайралар янгиланади; шамоллаш билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи камаяди; мунтазам равишда қон топшириб турган эркакларда миокард инфаркти бўлиш хавфи беш баробар, қон босими ошиши билан боғлиқ касалликларга чалиниш хавфи эса икки баробар камайиб, танада умумий ва гормонал модда алмашинуви яхшиланади.

Дарвоқе, донор қон топширгач, икки соат дам олиши мақсадга мувофиқдир.

Кўнгилли донорларимиз қалбан ҳис этадиларки, бу хайрли ва эзгу амаллари билан ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, сафдош дўсти ва жамоадошлари, истеъфодаги офицерлар ва госпиталларда даволанаётган беморлар соғлиғини тиклаш, дардига шифо улашишдек савобли ишда беминнат ва бегараз ёрдам кўрсатмоқдалар. Қолаверса, кўплаб жарроҳлик амалиётларида қон қуйиш туфайли бемор ҳаётини сақлаб қолиш ва операцияни муваффақиятли якунлашга эришилади. Айрим камёб дорилар танқислиги туфайли қон компонентлари ва препаратларига талаб кучайди. Масалан, гемофилия, лейкемия, камқонлик касалликларини қон препаратларисиз даволаш мушкул. Куйиш ва нейрожарроҳлик ҳолларида альбуминдан фойдаланамиз. Демак, бу препаратларни тайёрлашда ҳам бизга қон керак бўлади.

Қувонарлиси, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимиз донорликка энг фойдали, эзгулик иш сифатида қарайдилар. Кўнгиллилар сафини кенгайтириш, бу олийҳиммат вазифага ҳарбий хизматчиларни янада кенгроқ жалб этиш, ҳарбий даволаш муассасаларига қон тайёрлаб бериш ва етказиш бизнинг асосий вазифамизга айланган.

Ҳа, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ихтиёрий равишда қон топширган ва топширувчи Ватан ҳимоячилари – кўнгилли донорлар ўзларининг хайрли, эзгу ишларидан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.

Катта лейтенант
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ
суҳбатлашди.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Демократы за вывод войск

Палата представителей Конгресса США приступает к дебатам по законопроекту о выводе американских войск из Ирака не позднее 1 сентября 2008 года или даже до конца декабря 2007 года, если иракское правительство не будет выполнять взятые на себя обязательства. Голосование по документу состоится 23 марта.



Запуск крылатой ракеты

В Пакистане осуществлен запуск крылатой ракеты «Бабур» («Хатф-7»), способной нести ядерную или обычную боеголовку на дальность в 700 км и совершать маневры против обнаружения системами ПВО. Как сообщило министерство обороны Пакистана, испытания прошли успешно, сообщает ИТАР–ТАСС.



Переговоры прерваны

Шестисторонние переговоры по КНДР под угрозой срыва. Они были прерваны из-за отъезда главы делегации КНДР Ким Ге Гвана. Глава делегации КНДР вылетел из Пекина в Пхеньян. Позднее глава китайской делегации, замминистра иностранных дел КНР У Давэй, объявил, что этап очередного раунда шестисторонних переговоров завершился.



Успешные испытания

В США прошли удачные испытания элементов системы ПРО по слежению за ракетами. Как сообщил представитель Агентства по ПРО Крис Тэйлор, запуск ракеты-мишени состоялся с базы ВВС США Ванденберг в Калифорнии. Мишень была удачно отслежена радаром морского базирования (SBX) и двумя кораблями, оборудованными системами ПРО (Aegis Ballistic Missile Defense) при использовании радаров SPY-1.



Неожиданный визит

Генеральный секретарь ООН Пан Ги Мун неожиданно прибыл в Багдад, сообщает государственная телекомпания Ирака «Аль-Иракия». Главу ООН встречал в аэропорту премьер-министр Ирака. Встреча пройдет в так называемой «зеленой зоне» Багдада – особо укрепленном районе столицы, где расположены правительственные учреждения и иностранные посольства.



Взрыв на атомной подлодке

Инцидент произошел на атомной подводной лодке ВМС Великобритании «HMS Tireless» примерно в 320 километрах к северу от Аляски. Взрыв прогремел в маленьком отделении, где находилось оборудование для очистки воздуха, в переднем отсеке субмарины, примерно в 40 метрах от ядерного реактора. Один из британских моряков, ставших жертвами несчастного случая, погиб при взрыве в переднем отсеке субмарины, другой задохнулся, сообщает интернет-сайт со ссылкой на источники в навигационных службах. Всего на борту подводной лодки в момент аварии находились 110 членов экипажа.



Власти хотят изгнать «Аль-Каиду»

Правительство Ирака ведет консультации с целым рядом группировок. «Мы уже установили связи и наладили контакты с главами некоторых группировок, – заявил представитель министерства национального диалога и примирения страны Саад Юсуф Мутталиби. – Одна из наших целей состоит в том, чтобы привлечь их к борьбе против «Аль-Каиды» с тем, чтобы изгнать ее из Ирака». Между тем есть сведения о том, что члены группировок, о которых идет речь, – это и госслужащие, и люди с опытом ведения военных действий.



Обнаружен рояль Шопена

Рояль Фредерика Шопена, который он брал с собой в последний концертный тур в Англию, обнаружен в доме британского коллекционера благодаря работе, которую провел шведский музыковед-исследователь. Коллекционер антикварных клавишных инструментов купил его 20 лет назад за 2 тыс. фунтов стерлингов. В течение более чем 150 лет после смерти композитора пианино Шопена считалось исчезнувшим.

(www.NEWSru.com).

YOSHLAR – KELAJAGIMIZ EGALARI

ORZULARI OYDIN QIZ



Yurtboshimiz tomonidan ta'sis etilgan Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti mamlakatimiz iqtidorli qizlarini aniqlash, ularni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish, yangi ijodiy yutuqlar sari da'vat etishda muhim omil sanaladi. Mana yetti yildirki, yurtimizdagi a'lo xulqi, zukkoligi, o'qishdagi muvaffaqiyatlari, tashabbuskorligi bilan noyob iste'dodi va iqtidorini namoyon etayotgan hamda adabiyot, san'at, fan va ta'lim sohalarida ulkan yutuqlarga erishayotgan juda ko'p qizlar ushbu yuksak mukofot sohibasi bo'lib kelmoqdalar.

Iqtidorli yoshlar hamisha ilm o'rganishga, biror sohaning etagini tutib, elining, yurtining dovrug'ini doston qilishga intiladi va bu yo'lda fidoyilik ko'rsatadi ham. Ana shunday fidoyi farzandlari bilan esa xalqimiz ham haqli ravishda faxrlanadi. Iqtidorli yoshlardan biri bo'lgan Guli Nigor Avazova ham o'z iste'dodi, intilishlari tufayli adabiyot yo'nalishi bo'yicha Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga sazovor bo'ldi. Guli Nigorning she'riyatga bo'lgan qiziqishi uni 5-sinfdaligidayoq qo'liga qalam olib, o'z ko'ngil kechinmalarini she'riy satrlar orqali ifodalashga undadi. Uning she'rlarni o'qir ekansiz, satrlardagi samimiyat va beg'uborlik vujudingizga ajib bir iliqlik olib kiradi. O'zingizni go'yoki bolalikka qaytgandek his qilasiz.

Guli Nigorning Vatanning asl farzandlari qanday bo'lishi kerakligi haqida o'z tasavvuri, o'z mezonlari bor. Uning "Istiqlol", "Vatan beqiyos", "O'zbekiston", "Hurligimni kuylayman", "Xalqimga" kabi she'rlarida zamon nafasi, Vatanga farzandlik burchi singari ezgu tuyg'ular o'zining yaqqol aksini topgan.

Guli Nigorning shu vaqtga qadar "Uyg'un ko'ngil", "Hurligimni kuylayman", "Tong chorlovi", "Baxtim beshigi dunyo" nomli she'riy va "Saodatga yo'llovchi maskan" deb nomlangan hikoyalar to'plamlari nashr etilgan. Hozirda Guli Nigor Avazova O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti xalqaro jurnalistika fakultetining 2-kurs talabasi.

– She'r yozish bu – ko'ngil ishi, – deydi Guli Nigor Avazova.– Yoshligimdan otam Chori Avaz va onam Zebo Omonovalarning she'rlarini o'qib katta bo'ldim. Shu sababli ham she'riyat sohasidagi birinchi ustozlarimni ota-onam deb bilaman. Maktabda o'qib yurgan kezlarimda dadamning she'riy to'plamlarini yoddan bilardim. Biror tadbir bo'lsa, har doim u kishining she'rlaridan namunalar o'qib berar edim. Keyinchalik o'zim ham she'r yoza boshladim. Kechagidek yodimda, ilk yozgan she'rimni onajonimga ko'rsatganimda u kishi ko'zlarida yosh bilan meni bag'rilariga bosib, kelajakda yetuk shoira bo'lishimga oq yo'l tilaganlar. Shundan so'ng birin-ketin tuman va viloyat gazetalarida yozganlarim chop etila boshlandi. Bu esa menga yanada ilhom bag'ishladi. Mana, mehnatim besamar ketmadi, Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga loyiq topildim. Bundan juda ham xursandman. Kelajakda men ham Zulfiyaxonim kabi yetuk shoira bo'lib dadamning ruhini shod etishni, onamning mendek qizi borligidan faxrlanib yurishini va eng asosiysi, yurtimizning asl farzandi bo'lib Vatanimiz ravnaqiga munosib hissa qo'shishni istayman.

Suhbatdoshimizning samimiy so'zlarini tinglab turib uning bu orzu-niyatlariga yetishishida doimo omad yor bo'lishini tilaymiz. Ha, Guli Nigordek iste'dodli yoshlaridan xalqimizning umidi katta. Quyida ijodkor qalamiga mansub ushbu she'rni e'tiboringizga havola etamiz:

VATAN

Ko'zlarimning nurisan, Vatan,
So'zlarimning durisan, Vatan,
Sensiz orom topmaydi dilim,
Otash qalbim qo'risan, Vatan.

Saodatga boshlading elim,
Saodatga yor etding dilim.
Anglash baxtin yor etding menga,
Yo'llarimni yoritar bilim.

Iqbolingga dunyo berar tan,
Toleimda baxtsan hamda sha'n.
Muhabbatim barq yashnar ekan –
Yuksalasan qalbimda, Vatan!

Muslima TURSUNBOYEVA.

Shunqorlar

PARVOZLARI LOCHINLARDAN YUKSAK

Yaxshi bilamizki, «Shunqor» so'zi ikki xil ma'noga ega. Birinchisida lochinsimonlar oilasiga mansub qush, ikkinchisida mardlik, jasorat namunalarini ko'rsatgan inson tilga olinadi. Bunga urg'u berayotganimizning sababi Prezidentimiz rahnamoligida barkamol avlod tarbiyasi yo'lida amalga oshirilayotgan ezgu ishlarimiz negizida bir yangilikka asos solinganidir. Bu chaqiriqqacha yoshda bo'lgan, yanayam aniqrog'i chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fanidan saboq olayotgan o'quvchilarimiz o'rtasida «Shunqorlar» deya nomlanuvchi harbiy-sport o'yinlari joriy etilgani. Buni qarangki, bugun «Shunqorlar» o'n bir yoshga to'lyapti.

Ta'kidlash lozimki, «Shunqorlar»dan ko'zlangan maqsad farzandlar qalbida vatanparvarlik, mardlik, jasorat tuyg'ularini uyg'otish, ularni milliy istiqlol mafkurasi ruhida kamol toptirish, milliy armiyamiz saflariga tayyorlashdek ustuvorliklardir.Quvonch bilan shuni baralla ayta olamizki, bugun bu ulug'vor maqsad o'z samarasini bermoqda. Shunqorlarimizning ezgu maqsadlar yo'lidagi parvozlari lochinlardan ham yuksak bo'lmoqda va bo'lajak. Ular mardligi, jasorati, matonati esa buyuk ajdodlariga xos.

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati, Mudofaa, Xalq ta'limi, Sog'liqni saqlash vazirliklari, Mudofaaga ko'maklashuvchi «Vatanparvar» tashkiloti, O'rta-maxsus, kasb-hunar ta'limi respublika markazi, davlat jismoniy tarbiya va sport qo'mitasi (hozirgi Madaniyat va sport ishlari vazirligi), Kasaba uyushmalari federatsiyasi, «Nuroniy» jamg'armasi musobaqaga asos solgan davlat va jamoat tashkilotlari hisoblanishadi. Ayni paytda ular safiga Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi qo'shildi. Yildan-yilga mazkur harbiy-sport o'yinlariga qiziqish, e'tibor ortyapti. Musobaqa tashkiliy qo'mitasi uning ko'tarinki ruhda o'tishi uchun alohida e'tibor qaratib kelmoqda. «Shunqorlar» o'z bayrog'i, madhiyasi, ramzi, kubogiga ega bo'ldi. 2003 yildan medallar ham ta'sis etildi. Musobaqaning birgina 2006 yilgisida umumta'lim maktablaridan 200 mingga yaqin, o'rta-maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimidan 75 mingdan ziyod o'quvchilarning ishtirok etishgani uning o'ziga xos sport bayramiga, sport harakatiga aylanganidan dalolat.

E'tirof etish joizki, keyingi paytlarda musobaqaning nafaqat final, balki viloyat bosqichlari ham harbiy qism yoki harbiy o'quv muassasalarida bo'lib o'tyapti. Demak, o'quvchi – bo'lg'usi Vatan posboni musobaqa bahona harbiycha hayot bilan, harbiylarimizga yaratilayotgan shart-sharoitlar bilan tanishadi. Armiya haqidagi tasavvurlari kengayadi. Ko'nglida harbiy sohaga nisbatan bo'lgan havas uchquni alanga oladi.

«Shunqorlar» harbiy-sport o'yinlarida faol ishtirok etib, g'olib, sovrindor bo'lgan yigitlar orasida oficer bo'lganlari, harbiy bilim yurtlarida tahsil olayotganlari kam emas. Masalan, mazkur sport o'yinlarining beshinchi yilidayoq musobaqa tashkilotchilaridan olingan ma'lumotlar 200 ga yaqin yigitning – «Shunqorlar» ishtirokchilarining oficerlikni tanlashgani, bilim yurtlariga o'qishga kirishganini ko'rsatdi. «Shunqorlar» sabab harbiylikka mehri ortgan yigit bugun oficer, kursant, serjant, askar yoki bo'lmasa hayotini mardlar kasbiga bog'lashga chog'langan.

«Shunqorlar» o'quvchi yoshlarni katta sport sari rag'batlantiradi, deya baralla ayta olmaymiz. Bu o'rinda «Umid nihollari», «Barkamol avlod» o'yinlarining o'rni beqiyos. Ammo yuqorida aytib o'tilganidek, mazkur harbiy-sport o'yinlarining o'ziga xos sport harakati maqomiga yetgani, yoshlarni nafaqat sog'lom turmush tarziga, balki Vatan himoyachisi bo'lishga rag'batlantirayotgani alohida tahsinga sazovor.

Dilafro'z RO'ZIYEVA.

Iste'dod

YAXSHILIKNING QANOTI BOR



San'at gulshanida gullar ko'p, bulbullar ko'p. Ularning har biri o'z nolasiga, ovoziga va yo'liga egadirlar. Bugungi o'zbek estrada san'atida kundan-kunga yangi ovozlar, yangi nomlar paydo bo'lib borayapti. Ayrimlar o'z ovozi, ijrochilik mahorati va yorqin iste'dodi bilan ommaga tanilib ulgurgan bo'lsa, ayrimlari endigina san'at sohasiga kirib kelmoqda va yana ba'zi yosh xonandalar nomi bir ko'rinib, bir ko'rinmay qolayotganligi ham sir emas. Har ne bo'lganda ham maqsadga erishish oson bo'lmaydi. Buning uchun juda ko'p mehnat qilish va ter to'kish kerak. Sahifamizda siz aziz mushtariylarga tanishtirmoqchi bo'lganimiz – yosh, umidli san'atkor Ra'no Qosimova ham tinmay olg'a intilib, kelajak sari ishonch bilan qadam qo'yayotgan yangi ovoz sohiblaridan. Agar san'at olamini ulkan daraxtga mengzasak, bunday yoshlarni o'sha daraxtning kurtaklariga qiyoslash yoki g'unchaga nisbat berish mumkin.

Bugun mumtoz qo'shiqlar kuylab, el orasidan o'ziga muxlislar topayotgan Ra'no repertuarini sifatli qo'shiqlar bilan boyitishni ko'zlaydi. Ayni kunlarda ustozlari G'ulomjon Yoqubov va Mavluda Asalxo'jayevalar ko'magida yangi-yangi qo'shiqlar tayyorlayapti. Jahongir Mirzayev bilan hamkorlikda «Ona» (Sharifa Salimova so'zi bilan) va «Sevgi» deb nomlangan qo'shiqlari o'z muxlislarini deyarli topgan.

Xalqimizda sokin daryo teran oqadi, degan purma'no ibora bor. Ra'no bilan suhbatlashar ekansiz, uning tabiatan vazmin va mulohazali ekanligini ilg'aysiz. Kishiga kuch beradigan, yo'lini ravon qiladigan va o'stiradigan xislatlar ana shulardir aslida.

Yosh va umidli xonanda 15 mart kuni «Turkiston» saroyida Iste'molchilar kuniga bag'ishlab o'tkazilgan koncertda shoira Farida Afro'z so'zi bilan «Yig'lamayman» deb nomlangan yangi qo'shig'i bilan chiqdi.

– Onam Risolat Qurbonova san'atga g'oyat qiziqqanligidan mening shu yo'lni tanlashimga turtki bo'lganlar. O'zlari turli kuylar bastalaydi, qo'shiqchilikni tiyran tushunadi. Onamdan o'tgan san'atsevarlik meni hamisha rom etib keladi. Onam sevgan «Tanovar», «Aylasang», «Qurbon o'lam» qo'shiqlarini davralarda ko'p marotaba kuylaganman. Ustozlarim ham milliy qo'shiqchilik yo'lidan ketishimni ma'qullashadi. Nazarimda, milliy estradamiz yo'lidan borsam, dilimdagi ezgu niyatlarim ijobat bo'ladi. Men hamisha ustozlarim o'gitlariga amal qilaman. Ularga o'xshagim keladi, – deydi u.

Inson avvalo o'zini, yon-atrofidagilarni hurmat qilishi, ularga e'tiborli bo'lishi kerak. Shundan so'nggina boshqalarga ham e'tiborli bo'la oladi. Ra'no yaqinlarining quvonchli kunlarida ham, tashvishli kunlarida ham hamisha yonma-yon. Ularni bot-bot yo'qlaydi. U yaxshilikparvar qiz. Yaxshilikning esa qanoti bor. U bo'sh vaqtlarida o'zbek zamonaviy she'riyati darg'alaridan Mahmud Toirov, Sirojiddin Sayyid va Iqbol Mirzolar ijodidan bahramand bo'lishga, mazmunan pishiq, puxta qo'shiqlar yaratishga intiladi. Modomiki, she'r qalb qatidan sizib chiqar ekan, qo'shiq ham shunga monand bo'lishi, tinglovchilar dilini larzaga solishi, tuyg'ularini uyg'otishi kerak. Shundagina u tezda unut bo'lmaydi. Bu kabi jihatlarga alohida e'tibor qaratadigan Ra'no qo'shiq matnini tanlashga ham katta e'tibor qaratadi.

Inson toki odamlar orasida biror ezgu ish bilan mashg'ul ekan, uning nomi hamisha yaxshilik bilan yonma-yon turadi. Ra'no san'at sohasining mashaqqatlarini hali totib ko'rmagan bo'lsa-da, yo'l boshidan barcha sinovlarga shay turishga o'zini chog'lagan. Toshkent davlat konservatoriyasining magistranti bo'lgan Ra'no, hali oldinda oshib o'tajak dovonlar ko'p, deydi. San'atning sermashaqqat yo'lida tinim bilmayotgan Ra'no tengdosh dugonalari Gulsanam Mamazoitova, Dilnoza Ismiyaminova va boshqa iste'dodli estrada xonandalarining ijodi va intilishlarini yuksak qadrlaydi. Niyati – ular kabi o'z muxlislariga ega bo'lish.

Nigora JALOLIDDINOVA.

ERTAMIZ VORISLARI



Navro'zimning gulu g'unchasi

Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida yoshlarimiz o'rni muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, o'sib ulg'ayib kelayotgan o'g'il-qizlarimiz ertangi kunimiz vorislaridir.

«Ma'naviy va jismoniy barkamol avlodni voyaga yetkazish masalasi biz uchun umummilliy, umumdavlat miqyosidagi vazifa bo'lib, bu ezgu maqsad yo'lida amalga oshirayotgan ishlarimizni izchil va qat'iyat bilan davom ettirish bugungi siyosatimizning diqqat markazida turganini yana bir marta uqtirib o'tmoqchiman», deb ta'kidlaydi Prezidentimiz Islom Karimov.

Respublikamiz aholisining 60 foizidan ortig'ini yoshlar, ya'ni 30 yoshdan oshmaganlar tashkil qiladi. Bu esa mamlakatimiz taraqqiyotini ta'minlashda yoshlarimizning ijtimoiy-siyosiy faol bo'lishini taqozo etadi.

Ta'kidlash lozimki, mamlakatimizda bu borada yetarlicha huquqiy asoslar yaratilgan. Yoshlarning bu jarayonlarda faol ishtiroki, ularning manfaatlari yetakchi tashkilot bo'lmish «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati faoliyati bilan ham bevosita bog'liq. Bugungi kunda «Kamolot» YIHning Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlarda 201 ta tuman (shahar) bo'limlari kengashlari, 20 mingdan ortiq boshlang'ich tashkilotlari mamlakatimizda huquqiy demokratik davlat, fuqarolik jamiyati barpo etishga ko'maklashish maqsadida muntazam ravishda yoshlarning siyosiy-huquqiy bilimini oshirib bormoqda.

«Kamolot» YIH tashkil topgan kundan boshlab shu kunga qadar mamlakatimiz yoshlarining aksariyatini o'z atrofiga jipslashtirib, bir maqsad sari to'play oldi. Bugungi kunda ushbu tashkilot yurtimizning 4,6 million nafardan ziyod yigit-qizlarini birlashtiruvchi eng yirik jamoat birlashmasi hisoblanadi. «Kamolot» YIH tarkibida uning homiyligida faoliyat ko'rsatadigan «Kamalak» bolalar tashkiloti tuzilgan. Uning 4,2 million nafardan ortiq a'zosi bor. «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining asosiy vazifasi va maqsadi – yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, o'g'il-qizlarimizda milliy istiqlol g'oyasiga asoslangan mustahkam hayotiy pozitsiyani shakllantirish, o'sib kelayotgan avlodning ijtimoiy, iqtisodiy hamda huquqiy muammolarini hal etishga ko'maklashishdan iborat.


2006 yilning 10 oktyabrida Prezidentimiz Islom Karimovning «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatini qo'llab-quvvatlash va uning faoliyati samaradorligini yanada oshirish to'g'risida»gi Qarori Harakat faoliyatining yanada jonlanishida muhim ahamiyat kasb etdi.

Ma'lumki, muddatli harbiy hizmatni namunali o'tab, Tavsiyanomaga ega bo'lgan yoshlarimiz oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirishlarida imtiyozga egadirlar. Ammo test sinovlarida yetarli ball to'play olmagan Tavsiyanoma sohiblari o'qishning pedagogika, qishloq xo'jaligi, tabiiy-ilmiy yo'nalishi bo'yicha oliy o'quv yurtlariga to'lov-kontrakt asosida qabul qilinishi va «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakatining boshlang'ich tashkilotlari faoliyatlarida faol ishtirok etganlariga kontrakt summasining 35 foizi to'lov tariqasida mazkur harakat tomonidan to'lab berilishi Prezidentimiz Qarorida ko'zda tutilgan. Bunday sharafga bugun Toshkent shahridagi 23 ta oliy o'quv yurtining 841 ta, respublika bo'yicha esa 3000 mingga yaqin talaba musharraf bo'ldi.

Ishonchimiz komilki, bugungi yoshlarimiz o'z bilim va salohiyatlari bilan barcha sohalarda jonbozlik ko'rsatib, mustaqil davlatimizning yanada gullab-yashnashiga, uning taraqqiyotiga ulkan hissa qo'shadilar.

Ahror OCHILOV.

SHIRINTOY



Labirint

Labirintdagi yagona to'g'ri yo'lni toping.

BOYLIKNING KALITI MEHNAT

O'tgan zamonda bir kambag'al-qashshoq kishi donishmand cholning oldiga kelib:

– Otaxon, yeyishga nonim, kiyishga kiyimim yo'q. Juda qiynaldim, nima qilishimni bilmay qoldim. Endi qayerga borib «dod» desam ekan? – debdi.

Donishmand chol:

– Sen kambag'almisan? – desa, u:

– Ha, bola-chaqalarim ham, o'zim ham ochman, qiynalib ketdik, – deb yana zorlanibdi. Shunda ko'pni ro'rgan donishmand:

– Xo'p, bo'lmasa menga o'ng qo'lingni sot, necha pul beray? – desa, haligi yigit:

– Yo'q, o'ng qo'lim o'zimga kerak, sotmayman, – debdi. Shunda donishmand chol:

– Bo'lmasa o'ng ko'zingni sot, – debdi. Yigit:

– Nega men o'ng ko'zimni sotar ekanman, u menga doimo kerak, – debdi.

Donishmand chol shu tarzda yigitning tana a'zolarini birma-bir «sotgin» deb aytib chiqibdi. Yigit «yo'q» javobini qaytaravergach, donishmand chol yigitga:

– Ha, to'rt muchang sog' bo'lsa, turmushdan zorlanib nima qilasan? Kishining tan-joni sog'ligi – tuman boyligiku! «Sog' tanda – sog' aql», deb bekorga aytishmagan. Sog' bo'lsang, har qanday ishni bajarishga qurbing yetadi, qo'lingdan keladi, kuning o'tadi, – debdi.

Yigit o'ylanib qolibdi-yu, o'z ahvolidan uyalib ketibdi. Chunki kambag'alman, qiynaldim, deb bir ishning boshini tutmay yuravergan ekan-da.

Keyin u darrov belini mahkam bog'lab, dalada ishlashni boshlabdi. O'ziga o'xshab bekorchi, takasaltang yurgan bolalarini ham ishga o'rgatibdi. Qarangki, ko'p o'tmay haligi kambag'al yigit boyib ketibdi. O'zini to'g'ri yo'lga boshlagan va ko'zini ochgan donishmanddan bir umr minnatdor bo'lib, eslab yuribdi.



ДЕВУШКА НЕДЕЛИ

Арзу Хамдуллаева с отличием заканчивает академический лицей при Узбекском государственном университете мировых языков. Уже сейчас она серьезно готовится к поступлению в данный университет.

Девушка свободно владеет узбекским, русским, английским, греческим, немецким языками. А недавно начала изучать и турецкий язык. Уже и здесь делает успехи, но пока обращается к помощи словаря.

Обаятельная, жизнерадостная девушка в свободное время любит читать художественную литературу и слушать музыку.

Ее мечта – стать высококлассным специалистом и в области легкой промышленности.

Милые девушки! У каждой из вас есть шанс разместить свою фотографию в одной из самых популярных рубрик нашей газеты и стать «Девушкой недели» «Ватанпарвара»! Отправьте на адрес редакции свое лучшее фото (цветное, размер не менее 10х15 см). В краткой форме расскажите о себе, о своих увлечениях, жизненных ориентирах и предпочтениях. Обязательно укажите свой почтовый адрес и контактный телефон (эта информация только для редакции, ее конфиденциальность мы гарантируем). Ну а та девушка, чья фотография соберет наибольшее количество откликов читателей, станет обладательницей нашего приза.

НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ – ГЛАЗАМИ МОЛОДЕЖИ

Накануне праздника Навруз в Ташкентской области был проведен смотр-конкурс под девизом «Национальные ценности – глазами молодежи», основная цель которого – укрепление духовных основ независимости нашей страны, сохранение национальных ценностей, традиций и обычаев народа, внедрение в сознание молодого поколения чувства любви к Родине, преданности идеям национальной независимости.


В конкурсе, организованном областным отделением Общественного движения молодежи «Камолот», приняли участие свыше двухсот юношей и девушек из всех городов и районов области.

Команды состязались по таким направлениям, как национальные костюмы, традиции, обычаи и национальная кухня различных наций и народностей, проживающих в нашей республике.

Первое место в конкурсе заняла команда «Гулгунчалар» Бостанлыкского района. Второе и третье места достались командам «Каравай» города Ахангарана и «Чоткол зиёкори» из Ангрена.

Победителям смотра-конкурса вручены памятные подарки.

Л.СУВОНОВ,
корр. УзА.



КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Замонлар оша шоирларимиз мадҳ этиб келаётган наволар ўзагини она заминга бўлган муҳаббат ташкил қилади. Зеро, Ватан мадҳи тиллардан дилларга кўчиб, инсонлар қалбида ўзи туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббатни мавж урдиради. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг мазкур шеърида ҳам бунинг тафтини сезасиз.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Таъзим, Ўзбекистон, маъволарингга,
Қуёшу юлдузлик самоларингга.

Тоғларинг сарбаланд турсин доимо,
Барокат бахш этиб дарёларингга.

Муаттар, бепоён чамансан олий,
Жаннат ҳавас қилур ҳаволарингга.

Сени шарбат макон яратди Тангрим,
Яна олтин сочди саҳроларингга.

Тафаккур оламинг оламча кенгдир,
Жаҳон қулоқ осур доноларингга.

Гўзаллик маскани, дилбар диёрим,
Кўз тегмасин асло барноларингга.

Бу шеърим юракдан меҳрим садоси,
Бахтлиман жўр бўлса садоларингга.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

ЯНГИ БЕЛГИ ОСТИДА

Кейинги пайтда жисмоний имкониятлари чекланган спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Биринчилардан бўлиб XII Паролимпиа ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Юсуф Қодировнинг сафдошлари бугунги кунда кўплаб топилади. Маълумотларга мурожаат қилсак, айни пайтда юртимизда 6300 нафар ногиронлар спортга жалб қилинган. Асосий мақсади иқтидорли спортчиларни аниқлаб, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароитлар яратишга йўналтирилган Республика ногирон спортчилар ассоциацияси 2002 йилда халқаро Паролимпиа ўйинларига аъзо бўлиб, катта нуфузга эга бўлган турнир, мусобақалар, халқаро спорт тадбирларида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Энди ташкилот расмий равишда Ўзбекистон паролимпиа қўмитаси деб юритиладиган бўлди. Бугун ушбу янги қўмита томонидан ҳамюртларимизнинг халқаро мусобақаларда, Паролимпиа ўйинларига йўлланма берувчи турнирларда Ўзбекистон номидан янада фаол иштирок этишлари учун имкониятлар яратилмоқда.



Умид Аҳмаджонов, Ўзбекистон Паролимпиа қўмитаси бошлиғи:

– Биз ногиронлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, улар орасидан янги-янги спортчиларни танлаб олиш учун бир қатор ижобий ишларни амалга оширмоқдамиз. Натижа чакки эмас, улардан кўпчилиги иродаси мустаҳкам эканлигини намоён қилиб, спорт билан жиддий шуғулланишмоқда. Барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотларида мусобақаларни ўтказилиши уларга янада далда бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Олимпиа шон-шуҳрати музейида ташкил этилган тақдимот маросимида, дастлаб ташкилот ўз рамзларини йиғилганлар ҳукмига ҳавола қилди. Қизил, яшил, кўк, яъни уч рангдан иборат бўлган мазкур белги шижоат, ғалаба, барака маъноларини билдиради. Энди юртимиз вакиллари халқаро аренаналарда айнан ана шундай белги остида майдонга тушишади. Шу кунларда Афина Паролимпиа ўйинлари иштирокчиси Шукур Қодиров, 2006 йилда Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медаль соҳиби, Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари совриндори Равиль Сатторов сингари спортчиларимиз Пекин паролимпиадаси йўлланмасини қўлга киритиш учун тайёргарлик машқларини олиб боришмоқда. Улар орасида футбол бўйича «Байналмилал» жамоасининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бахтиёр Ражабов, жамоа мураббийи:

– Жамоамиз бу йил бир қанча халқаро турнирларда иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хитой Паролимпиа ўйинлари ҳам шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, олиб борган тайёргарлигимиз ўз самарасини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ногиронлар спортининг тош ва диск улоқтириш, югуриш, пневматик милтиқдан ўқ отиш, юнон-рум кураши ва футбол турлари яхши ривожланган. Ҳатто, ушбу спорт турлари бўйича ҳамюртларимиз ўртасида жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳам кўплаб топилади. Энди Ўзбекистон Паролимпиа қўмитаси бошқа спорт турларини ҳам ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Кикбоксинг. Чемпионат Узбекистана

СОСТЯЗАЛИСЬ И ДЕВУШКИ

В последнее время боевые искусства и спортивные единоборства переживают свой расцвет. Регулярные крупные соревнования республиканского и международного уровня говорят о многом.

В минувшие выходные дни состоялся чемпионат Республики Узбекистан по кикбоксингу. Впервые организатор мероприятия – Федерация кикбоксинга страны провела соревнования сразу по нескольким разделам, что, конечно же, будет способствовать популяризации этого вида единоборств.


В первый день состязаний, после торжественного открытия в спорткомплексе «Узбекистан», стартовали предварительные поединки по четырем разделам: сольные композиции, семи-контакт, фул-контакт и ориентал. 233 спортсмена со всех областей, города Ташкента и Республики Каракалпакстан вели борьбу за звание сильнейшего в стране. И самые лучшие – те, кто, выдержав жесткое «сито» отбора, прошли в полуфинал, поединки которого начались во второй день.

Ситуация накалялась все больше и больше. Ведь победителю доставались не только медаль и призы, но и титул чемпиона страны. Поэтому в финальные поединки пробились лучшие. Финалы по каждому виду, думается, оставили глубокий след в сердцах любителей кикбоксинга. Особенно запомнились яркие бои между тяжеловесами Дмитрием Николаевым и Алишером Эфенди. Эти кикбоксеры показали красивый и зрелищный бой. А победу с небольшим преимуществом одержал Дмитрий Николаев из столичной области. В весе + 91 кг. по всем трем разделам ему не было равных.

Отдельной строкой хотелось бы отметить соревнования по сольным композициям, которые очень популярны в мире. Среди мужчин в выступлениях с оружием первое место занял Азиз Султанов. В своей программе он сумел передать всю грацию этого боевого искусства.

На данном чемпионате участвовали и девушки. Свое мастерство продемонстрировали Олеся Абдурахманова, Евгения Лушникова, Лидия Бердыева, Наталья Мусина, Фатима и Зухра Мадалиевы.

Аброрходжа ЕСХОДЖАЕВ.



Болалар спорти

ТАЭКВОНДОЧИЛАР МАҲОРАТИ

Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида таэквондо (ITF) бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Чемпионатнинг тантанали очилиш маросимида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ якка кураши ва жанг санъати маркази ҳамда спорт федерацияси вакиллари иштирок этишди. 500 нафардан иборат спортчилар иштирок этган чемпионатда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил ва қизлар ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Қизлар 25 кг.дан 50 кг.гача бўлган 12 вазн тоифасида беллашишган бўлса, ўғил болалар 30 кг.дан 55 кг.гача бўлган 13 вазн тоифасида ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Ғолиблик учун олиб борилган икки кунлик беллашувларда пойтахтликлар билан бир қаторда Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларидан келган спортчилар ҳам тажриба борасида анча имкониятлари кенг эканлигини кўрсата олишди. Биринчи куни 9 – 10 ёшли иштирокчилар ўртасида ўтказилган баҳсларда Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 11 – 12 ёшлилар ўртасида Қашқадарё жамоасига етадиган рақиб топилмади. 13 – 14 ёшли таэквондочилар орасида эса Жиззах жамоаси аъзолари ўз мураббийларининг ишончини оқлашди. Тошкент вилояти спортчилари эса 15 – 16 ёшлилар орасида тенгсиз эканлигини исботлашди.

Иккинчи кунги ўтказилган мусобақа баҳслари ҳам ниҳоятда муросасиз тарзда кечди. Жумладан, бир-биридан қизиқарли бўлиб ўтган яккалик баҳсларида ўз вазн тоифаларида Шоҳсанам Султонова, Шавкат Ботиров, Сарвар Абдуллаев каби ўнлаб ўғил-қизлар биринчи ўрин соҳибларига айланишди. Шуниси эътиборлики, ушбу беллашувларда ҳарбийларнинг фарзандлари ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Шулардан бири Феруз Усмоновдир. Ушбу ёш, иқтидорли таэквондочи ғарчи учинчи ўринни банд этган бўлса-да, унинг имкониятлари мураббийлари томонидан юқори баҳоланди.

Тошкент шаҳридаги «Бектемир» клубида маҳоратини тоблаган бу ёш таэквондочининг кўплаб сафдошлари ҳам мазкур беллашувларда ўз имкониятларини намойиш қила олди, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Чунки, клубининг тажрибали мураббийлари қўли остида таэквондо сир-асрорларини ўрганаётган йигит-қизларнинг асосий қисми совриндорлар қаторидан жой олди.

– Спортчиларимизнинг ғалабаси бизнинг ғалабамиз, – дейди клуб мураббийи Адҳамжон Ҳайдаров. – Ушбу мусобақага беш нафар шогирдимиз олиб келган эдим. Улардан иккитаси совриндор бўлди. Беллашувларда айниқса шогирдларим Ҳожиакбар Мамадалиев, Ёқубжон Носировларнинг фаоллиги, тезкорлиги яққол кўзга ташланди.

Тошкент жамоасининг, биринчи ўринни қўлга киритишида ушбу клубнинг ўзига хос ҳиссасини алоҳида таъкидламоқ лозим. Бу ютуқлар эса клуб мураббийлари ва спортчиларнинг бир-бирини тушунган ҳолда мусабақага пухта тайёргарлик олиб боришганлигининг маҳсулидир.

Карина ҚУРБОНОВА.

ЧАВАНДОЗ МАЛИКАЛАР

Наврўз байрами муносабати билан республика от спорти маҳорати мактабида от спорти бўйича «Чавандоз маликалар» деб номланган республика миқёсидаги мусобақа бўлиб ўтди. Дастлабки кун баҳсларида белгиланган шартларни бажариш бўйича ўзининг самани билан майдонга тушган спорт усталигига номзод Анастасия Болонова ёшлар ўртасида пешқадамлик қилди. Наманганлик Анастасия Хамина биринчи кун баҳсларининг ўзида бир нечта қийин шартларни муваффақиятли бажариб, иккинчи поғонага кўтарилишга муваффақ бўлди. Шуниси эътиборлики, вилоят спортчилари бундай йирик мусобақада илк бора ўз маҳоратларини синовдан ўтказишмоқда. Иккинчи куни эса тажриба борасида бироз кучлироқ бўлган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Эътиборлиси, улар ўртасида бир қатор спорт усталигига номзод бўлган ҳамда спорт усталарини ҳам кўриш мумкин эди. Бош совриндор учун ташкил этилган ушбу баҳсларда бир неча халқаро турнирлар ғолиби Феруза Абдуллаева «Самандар» лақабли оти билан 581 очко жамғарган ҳолда ўзининг ниҳоятда чапдаст чавандоз эканлигини яна бир бор исботлади. Кескин ва муросасиз баҳслар остида ўтган мусобақанинг сўнгги кунини кузатадиган бўлсак, барча мураббийлар ва мутахассислар бу йилги баҳсларда ҳам терма жамоамизнинг тенгсиз чавандози Анна Меноцяннинг ғалабасини кутишаётган бир вақтда, рақибларига қараганда анча ёш бўлган Светлана Совучкина «Лада» лақабли тулпори ёрдамида ўз вазифасини бехато бажариб, ғолибликка эришди. Анна эса иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. Чавандоз маликалар мусобақасининг ғолиблари эса энди мамлакатимиз пойтахтида жойлашган отчопарда ўтказиладиган Республика биринчилиги мусобақасида иштирок этишади.

Сейман НАЗАРОВ.

ТЕРМА ЖАМОА САФИГА САРАЛАНДИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Техник ва амалий спорт турлари марказининг ташаббуси билан Қарши шаҳрида дуатлон бўйича Республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан иштирок этган спортчилар ёш тоифасига кўра гуруҳларга бўлинган ҳолда уч босқичда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Муросасиз беллашувларда 19 ёшдан 45 ёшгача бўлган спортчилар 1 км.га югуриш, 40 км.га велопойга ҳамда 5 км.га марафон орқали ўзаро баҳс юритишган бўлса, ўсмир ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган дуатлон мусобақалари эса жамоавий ғолибларни аниқлаб берди. Мамлакат терма жамоаси сафига номзодларни саралаш вазифасини ўтаган ушбу турнирда жамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Қизғин ва муросасиз баҳс олиб боришган Фарғона ва Сурхондарё вилояти дуатлончилари эса иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

Агнеш ҚУРБОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси шахсий таркиби Қарши ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия подполковники Хушвақт Махмановга падари бузруквори

ХЎЖАМУРОД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кўнгилга ташриф

НАСИБАСИ УЛУҒ КИШИЛАР



– Шундай дориламон кунларга етказганига шукр, – дейди қадоқ қўллари билан нурли юзларига кафтини олиб бориб дуо қиларкан Нисоби ая Ҳотамова. – Ҳамма нарсани мошин бажаради, дилбузорлар нималарни кўрсатмайди, дейсан, болам. Ўйинчоқларни гапиртиради-я! Қойил...

Нисоби ая қаршисидаги телевизорга тикилиб ўтирган эварасига ишора қилади.

– Боласи тушмагур, эртадан кечгача шунга тикилади, ўзича кулади, қўшиқ эшитса ўйнаб ҳам кетади.

Нисоби аянинг кўзлари қувончдан порлаб кетади:

– Бунга дилбузор қизиқ, менга болажонимнинг шўхликлари... Менам дилбузор кўраман, кўпроқ ўзимизни Маҳмуд Тоирди шиғирларини эшитгим келади, болам.

Кўнгил қаримайди деганлари рост. Ҳа, 109 ёшни қоралаган Нисоби аянинг ҳаётда эришган энг катта қувончи қучоғига сиғмайдиган невара, чевара, эвараларининг кулгуларидир. Ая ҳар тонг Яратганга шукроналар айтиб, қўлларини дуога очар экан, ана шу кўзқувончларига, жумлаи мўминга омонлик сўрайди. Улар билан мириқиб суҳбатлашади, кўрган-кечирганларини бирма-бир мароқ билан ҳикоя қила бошлайди. Пурмаъно гапларини тинглаш илинжида келганларни хушнуд кутиб қаршилайди. Аммо кейинги пайтларда «дилбузорчилар билан газетчилар» уни ҳоли-жонига қўйишмаганлигини ҳам кулиб таъкидлайди. Тўғри, нуроний онахонларимизга ҳаловат ҳам керак, улар ширин сўз ва парваришга маҳтал бўладилар. Оддий ҳақиқат бу – содда ва бағрикенг момоларимиз мақтовларга ўрганишмаган. Ҳаётда нимаики ютуққа эришсалар ҳам камтарлигича қолаверадилар, мағрурланмайдилар. Фарзандлари аяни оқ ювиб, оқ тарашади. Бу, албатта онахоннинг бутун умр чеккан меҳнатлари роҳатидир, бир вақтда унинг ўзи дилбандларига чексиз меҳр берган. Энди унинг ҳузурини кўриб ўтирибди.

Аянинг 86 ёшли қизи Ойниса ая ҳам онаси сингари тетик, гап-сўзлари дадил, ғайрати ҳали сўнмаган. У онасига меҳр билан боқаркан, унинг ҳар бир ўгитини олтинга менгзаб яшашини қувонч билан таъкидлади.

– Онамиз бирор марта бизларга қийинчиликдан нолиганларини эслолмайман. Одам борки, ҳаёт йўли равон ва текис бўлавермайди. Отамиз қазо қилганларидан сўнг онамиз буткул меҳнатга шўнғиганлар. Ўша вақтдаги колхозларда тер тўкиб, пилла қурти боққанлар. Эрта тонгдан шом қоронғусигача тиним билмай ишлаганлар. Худога шукр, биз фарзандлар ҳаётда ўз ўрнимизни топиб кетдик. Онамизнинг 6 нафар фарзанди, 36 набираси, 109 эвараси, 49 чевараси бор. Укаларимнинг барчаси зиёли, юрт хизматида юрган одамлар. Улар ҳамон онамизнинг дуойи фотиҳаларини олиб олдинга интилишади.

– Невара, чевара, эвараларимнинг саноғи йўқ, уларнинг исмларидаям адашиб кетаман. Шу кунларда ҳаммаси Наврўзи олам билан қутлаб келишаяпти. Қаранг-а, қишам кетиб, Наврўз кирипти, неваралар «сумалак қилайлик, буви» деб ҳоли жонимга қўйишмаяпти, келинларим буғдой ундиришаяпти. Сизлар ҳам сумалак сайлига келинглар.

Ая майизни оғзига солиб, тишсиз милкларида чайнаркан, унинг мазасини туйганини билдиради:

– Шаҳарликлар бизнинг Паркент узумларини яхши кўришади, йил ўн икки ой хонадонлардан майизу туршак, жавзо билан ёз чилласини ҳисобга олмаса узум узилмайди, болам. Ота-боболаримиз очарчиликдаям Худонинг ана шу неъматлари билан жон сақлашган.

Ая ёшлигини эслаб кетдими, мийиғида кулиб қўйди.

– Хомток бошланиши билан даладан бери келмасдик. Қирларга нўхат экардик, буғдой мошоқларини териб келардик, ўзимизда экилмасаям қўшни туманларга пахта теришгаям борганмиз. У вақтда пахта теримига жуда «қаттиқ» туришарди.

Нисоби аянинг хаёлидан нималар кечди, билмадим, у шу тобда пахта сиёсати туфайли Бўка, Бекобод туманларида муқим яшаб қолган қариндошларини эслаб кетгандир, эҳтимол. Яна ким билсин. 109 йиллик умр йўлида қанчадан-қанча долғали кунлар ўтмаган, дейсиз.

Босиб ўтган сермазмун ҳаёт йўли, бугунги авлодга ибрати учун Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Нисоби ая «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Паркент туманининг Чотқол тоғ ён бағирларида жойлашган Чанги қишлоғида истиқомат қилаётган Нисоби ая Ҳотамовани йўқлаб келувчилар пиру бадавлат онахоннинг дуоларини олишади. Биз у кишининг хонадонига ташриф буюрган кунда 99 ёшли укалари Соливой бува Яхшибоев ҳам опасининг ёнида экан. Бува ота-боболарининг ҳам узоқ умр кўришганини айтиб, узоқ яшашнинг сири фақат меҳнаткашликда, ҳалолликда, деди. У киши ҳақ. Нисоби ая ҳамон ўзини ўзи эплайди. Керак бўлса, чевараларини бешикка солади. Ҳатто бўш пайтларида кўзойнаксиз дўппи, кашта, қуроқ ҳам тикади. Қўлигул буви тиккан миллий ҳунармандчилик намуналарини «Ўзбекистон» телеканалининг «Аёл ҳусни – Ватан кўркидир» кўрсатувида ҳам намойиш этишган. Насибаси улуғ бу нуроний инсонлар билан хайрлашар эканмиз, уларнинг Наврўзолди тилакларини олдик:

– Наврўзи оламни боболаримиз ҳам энг қадрли байрам билишган. Илоҳо, болаларимизнинг умри жони узун бўлиб, бир-бирларига меҳру оқибатли бўлишсин. Элу юртга тўкинлик, маъмурлик, тинчлик тилаймиз. Юрт тинч бўлса, эл маъмур бўлади, болаларим. Бу кунларга етмаганларни ёд этиб, ҳақларига дуолар ўқинг. Яқинларингизни йўқланг, ширин гапни ҳаммага айтишдан чарчаманг. Ҳамма гап ширин сўзда.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

Искусство

ПЕРВЫЙ ВЫПУСК, ПЕРВЫЕ ДИПЛОМЫ...

Недавно в Ташкентском Доме фотографии открылась первая Школа-студия фотографического искусства, и уже были продемонстрированы первые отличные результаты.

Это стало известно на открывшейся выставке дипломных работ первого выпуска, которая будет работать до 2 апреля сего года.

С этого важного события Дом фотографии перестал быть только выставочным комплексом, теперь он выпускает и своих будущих гениев...

Как рассказала инициатор выставки директор Ташкентского Дома фотографии Шахноза Каримбабаева: «Здесь выставлены дебютные работы молодых фотографов, однако я уверена, что это только начало их длинного, успешного творческого пути. Мы будет стараться продвигать этих фотографов не только в Узбекистане, но и за его пределами, на зарубежных выставках. Мы, преподаватели и организаторы выставки, также очень надеемся на то, что в стенах Дома фотографии сформируется клуб молодых фотографов. И это только начало».

Первые выпускники – Евгений Голубев, Павел Ким, Наталья Нестерова, Хамида Нуралиева, Сергей Рудаков, Петр Стальбовский и Рашид Тураханов – уже зачислены в секцию фотохудожников при Академии художеств Узбекистана.

Это было не просто – закончить на отлично учебу у таких известных фотографов, как Владимир Жирнов, Александр Раевский, Хасан Файзиев, Александр Шинов. Однако молодым людям все же удалось это сделать.

Их работы разнообразны как по жанровой характеристике, так и по авторской манере. Здесь были представлены серии «Тени», «Лица», «Виды на пик Чимган», «Одиночество» и другие.

У организаторов школы-студии большие планы на будущее, особенно если учитывать тот факт, что в современном мире есть тенденция к развитию фотоискусства.

Эналида ТЯН.



АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

По музеям и выставочным залам

ПРИОБЩАЯСЬ К НАСЛЕДИЮ ВЕЛИКИХ ПРЕДКОВ

Государственный музей истории Темуридов... Большинство экспонатов, представленных здесь, исключительно подлинные. Вот россыпи медных и серебряных монет, на которых изображена легендарная печать Сахибкирана – три кольца. Примечательно, что этот символ красуется и над порталом главного входа в музей. Всего же здесь представлено более двух тысяч экспонатов. Это и книги, и документальные рукописи, и керамическая посуда, бронзовые изделия, исторические костюмы, макеты известных архитектурных памятников.

Часто посещают музей воины Ташкентского гарнизона. Вот и недавно здесь побывали на экскурсии солдаты одного из подразделений под руководством сержанта Б.Дустмурадова. И буквально на другой день в комнате общественно-политической информации они рассказали своим сослуживцам обо всем ими увиденном. Рядового М.Хамидова, например, покорила архитектура здания.

– Представляете, – говорил он сослуживцам, – музей был построен всего за 6 месяцев! Архитекторы, строители предусмотрели все до мелочей. Великолепно выглядят колоннады со всех сторон и изображение трех колец над главным входом здания – символ Сахибкирана. Обращают внимание редкой красоты фонтаны и любовно сделанные народными мастерами резные двери...

Действительно, кто там побывал, не перестают восхищаться в первую очередь самим зданием. Оно оснащено самыми современными системами кондиционирования в залах и хранилищах, удачно подобрано и освещение. В лучших традициях народного зодчества расписан купол музея. Он покрыт тончайшим слоем сусального золота. В отделке полов, лестниц, колонн использованы ценные породы мрамора.


Первое, что изумляет посетителей, – это огромных размеров люстра, искусно изготовленная умельцами ташкентского завода «Оникс». В главном зале их встречает огромное панно-триптих, выполненное в стиле восточной миниатюры. Настенная роспись – новый жанр в изобразительном искусстве Узбекистана.

– Надо отметить, что музей совсем молодой, и его фонд продолжает формироваться, – говорит Наргиза Холова, главный хранитель фонда Государственного музея истории Темуридов. – Однако можно смело заявить, что он – единственный в Узбекистане, все лучшее, что олицетворяет эпоху Амира Темура и Темуридов, выставлено у нас. Наиболее ценные экспонаты – это великолепная посуда характерного «темуридского» стиля: бело-голубая керамика с изображением чудесных птиц. Очень интересны и бронзовые сосуды, которые были найдены в кладе XIV века в Регистане. Когда там возводили музей, строители наткнулись на древнюю мастерскую, где начали производить раскопки. Приятным удивлением стал найденный клад медных сосудов, лучшие экземпляры из них представлены у нас в коллекции. Они инкрустированы золотом, серебром. Один коллекционер, работавший в Самарканде, как-то подобрал один из осколков. Он оказался архитектурным фрагментом медресе Улугбека в Регистане, который хранился у него с 30-х годов и был преподнесен в дар музею. Теперь этот прекрасный архитектурный декор, который украшал великолепное историческое здание, находится в нашем фонде. Архитектор Галина Немцова также подарила нам фрагменты удивительного самаркандского декора, украшенного позолотой.

– Многие пополнения музея связаны с раскопками города Шахрухия, который был заложен Амиром Темуром в честь его сына Шахруха, – говорит директор музея Н.Хабибуллаев. – Это был городкрепость, окруженный большими стенами, его руины расположены в Аккурганском районе, на правом берегу реки Сырдарьи. Именно здесь сотрудниками музея во главе с кандидатом исторических наук Уткуром Алимовым проводились раскопки. Последнее, что они привезли из археологической экспедиции, – квадратные сырцовые кирпичи, из которых были выложены стены крепости Шахрухия. Здесь были обнаружены керамическая посуда, дающая представление о развитии гончарного дела в регионе, великолепные глазурованные сосуды и блюда, кувшины и чаши, а также удивительные фрагменты стеклянных изделий, ставших большой редкостью. Все найденные предметы, а их более ста, относятся к XIV – XV векам. Они выставлены в экспозиции «Новые находки с раскопок Шахрухии».

Подводя итог беседе, заместитель командира по воспитательной работе старший лейтенант Д.Давлятов сказал: «В нашем государстве придается огромное значение идейно-нравственному и эстетическому воспитанию молодежи, и создание такого музея – яркий тому пример. Он знакомит нас с эпохой восточного Ренессанса, когда был невиданный взлет во всех сферах жизни: в строительстве городов и прокладке ирригационных систем, в торговле и народных ремеслах, в науке и искусстве. Это была поистине золотая эпоха Возрождения. Из всех походов Темур привозил домой не только материальные ценности, но еще большую ценность – интеллектуальную: самых лучших зодчих, мастеров, строителей, художников и поэтов. Он создавал им все условия для творчества. Музей стал органичной частью нашего города, нашего сознания. Здесь мы приобщаемся к наследию великих предков, познаем эпоху Темуридов, оставившую яркий след в истории нашей страны».

Борис САИДОВ.



ОНА ЮРТ ОҲАНГЛАРИ

Юртимизда Наврўз ўзгача бир интиқлик, ёруғ умидлар, яхши ниятлар билан кутиб олинади. Наврўз ташрифи илҳомбахшдир. Қуролли Кучлар марказий музейиида ташкил этилган Ўзбекистон рассомлари асарлари кўргазмаси ҳам бунинг исботидир.

Кўргазмада турли йўналишдаги ижод маҳсулларининг қирқдан зиёди намойиш этилди. Йўналишлар турли бўлсада уларда муштарак эзгу мақсад акс этган. У ҳам бўлса она юртга чексиз муҳаббат ҳиссидир. Ўлкамизнинг табиат манзаралари акс этган асарлар кўргазманинг асосини ташкил қилади. Рассомлар Валентин Родиннинг «Баҳор сувлари», Анатолий Слугиннинг «Каттақўрғон сув омбори», Равил Гарафутдиновнинг «Тоғларда тонг», «Бурчмулла», Рихсибой Аюповнинг «Тоғда баҳор», В.Зайцевнинг «Кумушконда баҳор» асарларида юртимизнинг гўзал гўшалари акс этган.

Натюрморт жанрида яратилган асарлар ҳам талайгина. Елена Шубинанинг «Сирень», Геннадий Серовнинг «Наврўз мусиқаси», Василий Лисовнинг «Беҳи», Валерий Утешовнинг «Акация ва фиалкалар»и тасвирий санъат ихлосмандлари кўнглидан жой олиши шубҳасиз.

– Кўргазмада баҳор фасли турли рангларда акс этган, – дея ўз таассуротларини ўртоқлашади курсант Сардор Отабоев. – Айниқса, гуллар жуда маҳорат билан ишланган.

– Менга натюрмортлар ёқди, – дейди курсант Фаррух Умматқулов. – Шунчалик маҳорат билан ишланганки, гўё жонлига ўхшайди.

Баҳорнинг гўзал лаҳзалари мўйқаламда муҳрланган мафтункор манзаралар кўргазмаси кўнгилларга кўклам ҳароратини бахш этди.

Инобат НОДИРШОҲОВА.
Александр МРУЧАК олган сурат.



Кино оламида

ҲАЁТНИ СЕВИШГА ЎРГАТАДИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Ражабов кўп йиллик актёрлик фаолияти ва тажрибасидан келиб чиқиб, оддий халқ ҳаёти, турмуш тарзини яхши билади. «Улфатлар» фильмидан кейин ишланган «Анора» М.Ражабовнинг ҳам актёрлик, ҳам режиссёрлик маҳоратини янада чархлади, десак янглишмаймиз. Фильмда воқеликка мос мусиқалардан фойдаланилган. Айниқса, Анорaнинг трамвай ичида «Айтинглар» дея куйлаган қўшиғи ва фильм якунида янграган «Ўкинч» қўшиғи мазкур киноасарнинг гоявий-бадиий аҳамиятини янада теранроқ очиб берган.

«Анора» фильми бугунги куннинг долзарб мавзусини ёритибгина қолмасдан, балки режиссёр унда юз бераётган воқеликларни ишонарли тарзда тасвирлаб бера олган. Ёш ва умидли актриса Фотима Воҳидова яратган Анора тимсоли рамзий ва фалсафий маъноларга эга эканлиги билан томошабинни ўзига тортади.

Фильмнинг тарбиявий аҳамияти унда ҳаётнинг кўрки яхши одамларнинг бисёрлиги, меҳру оқибатнинг боқийлиги билан ўлчанишида ифодаланганидир. Ана шу яхши одамлар сирасига Обид Юнусов, Клара Жалилова, Риҳси Иброҳимова каби профессионал актёрлар ижро этган образлар ҳам киради. Тўғри, улар бу соҳанинг моҳир усталаридир, аммо томошабинга энди-гина танилиб бораётган ёш актёр ва актрисалар талқинидаги эпизодлар ҳам диққатга сазовордир.

Раъно дугонаси Анорани енгил-елпи йўл билан пул топиш мумкинлигига ишонтирмоқчи бўлади, осонликча дунё тўплашга даъват этади. Оқибатда Анора ҳаёт тўфонларида яна бир яхши одам, Пўлат Саидқосимов талқин этган милиция полковнигига рўпара келади. Полковник Анорaнинг ҳаётини тўғри йўлга солишида туртки бўлади. Қиз боёқиш укаси Мўмин учунгина ана шу йўлдан юришга мажбур бўлган эди ва ўз вақтида бу йўлнинг хатарли эканлигини илғайди.



Мухтасар қилиб айтганда, фильм ҳаётга жиддий қарашни, сабрли бўлишни, ҳалол меҳнат билан пул топишга интилишни ва энг муҳими, ҳаётни севишни ўргатади.

Ирода ШОЁҚУБОВА.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ, майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3459. **Адади** 27940.